УзССР Давлат китоб палатаси
Ки
Гос. книжная палата УзССР
130495

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SANʼATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1995 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА — ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ — • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН — 7 АПРЕЛ, №14 (3301)

Акром ХУДОЙҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти ҳокими муовини

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

Авлодлар руҳини шод этиш, эзгу ва савоб ишларни амалга ошириш ҳамиша улуғ саодат ҳисобланиб келинган. Мустақил Ватанимизда қадимий урф-одатларимиз, қадриятларимиз тикланаётганлиги, улуғ аждодларимиз руҳи поклари шод этилаётганлиги барчамизни фахр-ифтихорга чулғамоқда, бунёдкорликка даъват этмоқда. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов бу хусусда таъкидлаганларидек «Сунгги йиллар мобайнида биз тарихимиз, динимиз, маданиятимиз ва маънавий ўтмишимизни ўрганишда муайян ишлар қилдик. Тарихий, диний рисолаларни нашрдан чиқардик. Урф-одатларимизни, миллий меросларимизни дунёга аён қилмоқдамиз. Ана шулар эвазига халқимизнинг қадрини ростлашга, ҳақиқий миллий ғурурини тиклашга эришаяпмиз. Халқимизнинг миллий онги, ғурури ўсиши билан муштарак ҳолда дунёқараши, тафаккури ҳам янгиланмоқда».

Дарҳақиқат, миллий онг ва ғурур ўсиши билан инсоннинг маънавий дунёқараши янгиланиб, такомиллашиб, давр шароитлари билан уйғунлашиб бораётганлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Ҳурматли Президентимизнинг юқорида таъкидланган фикрлари айнан Самарқанд вилоятида ҳам ўз аксини топмоқда. Юлдузлар илмининг султони Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан, вилоятимизда кўпгина ишлар амалга оширилди. Фақат шаҳримиздаги тарихий-маданий ёдгорликларни қайта таъмирлаш ишларининг ўзига 28 миллион сўм маблағ сарфланди. Қўҳна Регистон ансамбли, Гўри Амир мақбараси, Улуғбек расадхонаси сингари асрий обидалар асл ҳолига келтирилмоқда. Челак тумани ҳудудидаги Хожа Исмоил ал-Бухорий масжидини илм-маърифат марказига айлантириш ишлари давом этаётир. Масжидгача бўлган йўл кенгайтирилди, ободонлаштирилди. Энди шу йўналишда троллейбус қатнови йўлга қўйилади. Пайғамбаримиз авлодидан бўлган, тариқат илмининг улуғ пешвоси Маҳдуми Аъзам қабри ободонлаштирилиб, бу муқаддас даргоҳда улкан ёдгорликлар мажмуи бунёд этилмоқда. Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳрори Вали, Абу Мансур Мотурудий, Абу Лайс Самарқандий, Хожа Исмоил ал-Бухорий каби улуғ аждодларимизга бағишланган тантаналар шодиёнаси республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашдек улуғ мақсадларимизга хизмат қилмоқда. Айниқса, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги тантаналари овозаси бутун дунёга таралди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори, биз самарқандликларни, айниқса, қувонтириб юборди. Буюк соҳибқирон, жаҳон тарихидаги улуғ сиймо — Амир Темурнинг азиз номи, шон-шуҳрати Самарқанд билан бевосита боғлиқ. Мазкур қарор юртимизда амалга оширилаётган ободончилик, бунёдкорлик ишларига қайта илҳом бағишлайди, миллий маданиятимиз, қадриятларимиз ва урф-одатларимизни юксалтириш йўлида йўлчи юлдуз бўлади. Қарор матбуотда эълон қилинган куниёқ вилоят ҳокими Пулат Абдурахмонов раҳбарлигида вилоятимизнинг фаоллари, мутахассислари иштирокида мазкур муборак сана муносабати билан қилинажак ишлар режалаштирилди ва ҳокимликнинг қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида юбилейни ўтказувчи ташкилий қўмита тузилиб, унинг таркибига етук мутахассислар, мутасаддилар, олимлар киритилди. Ҳозир вилоятимизнинг барча жойларида қизғин иш олиб борилмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қарорда юбилейгача бажарилиши лозим бўлган, таъмирланадиган, ободонлаштириладиган обидалар, ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар, қурилиш-бунёдкорлик ишлари аниқ белгиланган. Ҳар бир юмушни бажариш учун масъул мансабдор шахс, оталиққа олиб ёрдам кўрсатувчи корхона, пудратчи ташкилот аниқланган.

Тадбирлар рўйхатига Гўри Амир, Оқсарой ва Руҳобод мажмуаларини таъмирлаш ва ободонлаштириш ҳам киритилган.

(Давоми 2-бетда)

НАБИ ҒАНИЕВ РОЗИ БЎЛАРМИДИ?

• Нақд гап

Таниқли санъаткорлар Наби Ғаниев ва Собир Абдулланинг ўзбек киносининг шоҳ асарларидан бири — «Тоҳир ва Зуҳра» филми қайтадан дубляж қилинмоқчи эканини эшитиб, ушбу мактубни ёзишга қарор қилдим. Яъни Наби Ғаниев раҳбарлигида ишлаган Асад Исматов, Раззоқ Ҳамроев, Аброр Ҳидоятов, Соат Толипов, Раҳим Пирмуҳамедов, Обид Жалилов, Машрабхон Юнусов, Юлдуз Ризаева каби санъаткорларга узга ижрочилар овоз бермоқчи. Тўхтасин Жалилов ва Алексей Козловский басталаган мусиқа қайта ёзилмоқчи ҳамда ўша — биз билган, эъзозлаган филм тасмасига тушириллмоқчи!

Бу ҳолда ўзбек киносининг дурдона асарига путур етиши турган гап. Ахир, Асад ака, Аброр ака, Обид аканинг эҳтиросли сўзларини, истеҳзога тўлиб-тошган талаффузини, Юлдуз опанинг ширали, жарангли овозини ким айнан қайтара олади?! Бу ишни ким ботинадаги?!

Биргина мисол:

Тоҳир ва Сардор учрашувида тиловат қилиниши керак эди. Наби ака тиловат баралла янграшини, унинг ҳар бир сўзи ҳис — ҳаяжон ила талаффуз этилишини ва томошабинга етиб боришини кўзда тутиб, Бўстонликдаги катта тоғлар билан уралган ғорга Машрабхон Юнусовни (филмда Ҳофиз ролини ўйнаган ҳамда Қуръон ўқиб, Сардор ва Тоҳирни бир-бирига таништирган актёр ва хонанда), овоз оператори Карим Бўрибоевни ва бошқа ижодий, техник ходимларни олиб борган ҳамда тиловатни ўқитиб, магнит тасмасига туширган. Бу талаффуз, бу тоғлардан қайтган акс садо қанчалик таъсирчан чиққани барчага — «Тоҳир ва Зуҳра» филмининг мухлисларига яхши аён.

Шундай экан, бу асарни қайта дубляж қилишнинг нима ҳожати бор? У — фахримиз. Кино соҳасидаги энг катта ютуғимиз. Буни жаҳон эътироф этган. Эҳтимол, бу афсонанинг турли шакллари ўрганилиб, янги сценарийлар ёзилар, кимдир уни қайтадан — янги актёрлар ёрдамида экранга олиб чиқар... Бу — бошқа масала. Лекин Наби Ғаниевнинг тенги йўқ асари аслида қандай суратга олинган, монтаж қилинган, овоз билан бойитилган бўлса, шундайлигича қолиши керак. Эҳтимол, унинг айрим кадрларини эҳтиётлик билан таъмирлаш керакдир ва ана шу асл нусхадан янги нусха (кинокопия)лар босиш лозимдир. Биз бу нусха киностудияда ҳам, телестудияда ҳам сақланиб қолинганига шукур қилишимиз керак.

Бу дурдона асар ислоҳ қилинса, буюк санъаткор, ғузаллик куйчиси Наби Ғаниев нима дерди? Рози бўлармиди?

Ҳамидулла АКБАРОВ

Суратқаш бисотидан

Шогирдлар эҳтироми

С. МАҲКАМОВ олган сурат

Умар САНАЕВ:

ҲАЯЖОНСИЗ ҚУЙЛАЙ ОЛМАЙМАН

Санаевлар сулоласини фақат Пахтачи туманида эмас, балки республикамизда ҳам кўпчилик яхши билади. Уларнинг ижодларидан баҳраманд бўлиб келади. Эндиликда уларнинг ҳам ўз мухлислари бор. Исмат Санаев яхшигина шоир, бир неча шеърий тўпламларнинг муаллифи. Ҳайдар Санаев ўз услуби, ўз тасвир рангларини топа олган рассом. У чизган ажойиб картиналар республика ва чет эл кўргазмаларида намойиш этиб келинади. Утган йили Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси залида рассомнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур сулолага мансуб яна бир иқтидор эгаси Умар Санаев эса ўзининг дилрабо қўшиқлари билан аллақачон элга танилган. Ана шу лирик хонанда ҳақида мухтасар гап айтмоқчимиз.

Унинг қўлига тор олиб саҳнага чиққанига ун беш йилдан ошди. Аслида 5-6-синфларда ўқиб юрган кезларидан бошлаб қўшиқ ҳиргойи қиларди. Таниқли санъаткорлар Комилжон Отаниёзов, Фаҳриддин Умаров қўшиқларини севиб тингларди, ўзича уларга ўхшашга интиларди. Айниқса, «Кўзларинг», «Лайло» сингари машҳур қўшиқларни ўрганиб, дўстлари даврасида айтиб юрарди: «Ҳисларимни йўлларингга маржондай сочай, Лайло...»

Умар Санаев ўз қўшиқларини яратиш, хонандаликда ўз йўлини топиш билан бирга Маннон Ўйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтининг амалий санъат безакчилиги бўлимини муваффақиятли тугатди. Ҳозир у ҳам қўшиқ куйлайди, ҳам сопол буюмлар, наққошлик ва ҳайкал ясаш билан шуғулланади.

— Санъатнинг қайси тури билан шуғулланманг, улар ҳамиша бир-бирини тўлдириб боради ва бир-бирига ижобий таъсир кўрсатади, — дейди Умар Санаев. — Мен баъзан яхши қўшиқнинг оҳангларини амалий санъатда бажараётган ишларимдан топаман. Баъзан эса қўшиқда айтолмаган дардларимни ё ҳайкалда, ё нақ-қошликда ифодалашга интиламан. Лекин қўшиқни ҳаяжонсиз айтолмайман. Юрагинг тўлиб турганда нола қилгинг келаверади. Яхши шеър топсам, унга куй излайман. Сўз ва куй туйғуларини ҳаяжонга солгандан сўнг куйламасликнинг иложи қолмайди. Зурма-зураки айтилган қўшиқнинг умри қисқа бўлади...

Хонанданинг қалб тўла ҳаяжон ва дардли нола билан айтган қўшиқлари анчагина. «Ҳазрат Алишер» (А. Исроилов шеъри), «Сенда ёлғон кўплир, менда ишонч мул» (И. Отамуродов шеъри), «Қизлар» (Х. Салоҳ шеъри), «Навоий шаҳрим менинг», «Суратинг» (И. Санаев шеърлари) ва бошқа ўнлаб қўшиқларни санаш мумкин. Айниқса, «Омон қайтинг, жон йигитлар Афғонистондан» қўшиғи хонандаги катта шуҳрат келтирди:

Бу утли қўшиқ ҳар гал республика телевидениеси орқали берилганда хонанда номига мактублар келиб туради.

Ҳозир Умар Санаев янги қўшиқлар яратиш учун тинмай изланаяпти. Яқинда у «Муҳаббат дилда бўлар» (халқ терматаридан), «Тухтамас» (Махтумқули шеъри) каби қўшиқларини тингловчилар ҳукмига ҳавола этади.

Бўлбул сайраб турган
ҳаволи боғлар,
Бўлбул сендан кетар фиғон
тухтамас...

Камтарин ва камсуқум хонанда Умар Санаев қўшиқ деб аталмиш улкан боғдаги дарахтлардан бирининг шоҳчасига қўнган бўлбул. У ўзининг лирик қўшиқлари билан боғдаги бўлбулларга жўр бўлиб, унга файз бағишлашига ишонамиз.

Ашурали ЖЎРАЕВ

«МАСХАРАБОЗ» ЯНГИ ТОМОША

Бир вақтлари руснинг катта ёзувчиси Василий Шукшин ростгўй ҳикоя ва қиссалари, «Қизил бодрезак» каби филмлари билан халқ меҳрини қозонганда «Биз ўзбеклардан ҳам шундай истеъдодлар етишиб чиқсайди», деб орзу қилган эдик. Шукурки, орзуларимиз ушалиб бормоқда. Мен бу ўринда драматург Шароф Бошбековни кўзда тутмоқдаман. Биз асли касби актёр бўлган Шарофнинг драматургиямизда воқеа, деб тан олинган етук пиесаларини, у ёзган сценарийлар асосида суратга олинган филмларни яхши билардик. Мана, энди уни кинорежиссёр сифатида кўриб турибмиз. Кўнгилли томони шундаки, унинг бу соҳада ҳам истеъдодли санъаткор эканини кўрдик.

Яқинда Кинематографчилар масканида Шароф Бошбеков яратган «Масхарабоз» мусиқали бадиий филми намойиш қилинди. Филмнинг сценарийсини ҳам режиссёрнинг ўзи ёзган. Таниқли адибимиз яхши киноасар яратибди. Филмни кўриб ҳам ҳордиқ чиқарасиз, ҳам ҳаёт ва замона ҳақида, одамлар, одамларнинг бу ёруғ дунёдаги қисматлари ҳақида ўйга чўмасиз. Эргаш Муминов (Теша), Раъно Зокирова (Зумрад), Лола Элтоева (Масхарабоз қиз), Меҳрибон Бозорова, Шукур Самандаров каби артистлар ўйнаган ролларайниқса томошабинда яхши таассурот қолдиради. Умуман, филмда бир неча актёр кашф этилган. (Бу ҳодисанинг ўзи алоҳида мавзу.)

Филм мусиқасини композитор Мирхалил Маҳмудов ёзган.

Шароф Бошбековнинг «Масхарабоз» филмини ўзбек киносида воқеа дейиш мумкин.

С. МАҲМУД

НАВРЎЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Республикамизда Наврўз шодиёналари давом этмоқда. Яқинда Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика марказида баҳор байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Байрам театрлаштирилган томоша билан бошланади. Республика Маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев, Ўзбекистон халқ артисти Розия Каримова, шоир Нормурод Нарзуллаев ва бошқалар йиғилганларни баҳор ва яшариш байрами билан табриклашдилар. Дастурхонга кўксомса, ҳалим, сумалак тортилди. Тантаналар сўнгида таниқли хонандалар ва ҳаваскорлар ижросида концерт бўлди.

КУТУБХОНА ВА НАШРИЁТ

«Турон» илмий-универсал кутубхонасида «Кутубхона, китобхон ва нашриёт» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда вилоят кутубхоналарининг бугунги аҳволи, кутубхона фондларини тўлдириш муаммолари ва нашриётларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги фаолияти атрофлича муҳокама қилинди.

Кечада Тошкент вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳид Солиҳов «Аҳолининг китобга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш ҳамда китоб жамғармаларини тўлдиришнинг ҳозирги кундаги муаммоларини ҳал қилишда кутубхона ва нашриётларнинг роли», «Хазина» илмий-ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори, профессор Озод Шарафиддинов, адабиётшунос олим Наим Каримов «Китоб ва китобхоннинг руҳий олами», ТошДУ филология факультети ўқитувчиси Улуғбек Султонов «Талабанинг билим олишида илмий адабиётлар ва нашриёт билан боғлиқ муаммолар», «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош муҳаррири муовини Аҳрор Аҳмедов «Нашриётнинг сўнгги йиллардаги нашрлари ва уларни оммалаштиришда кутубхоналарнинг аҳамияти» мавзуларида маъруза қилдилар.

Анжуманда Тошкент вилоят ҳокимлигининг етакчи мутахассиси Мурод Мирзаев ҳамда вилоят кутубхоналари ходимлари, Маданият институти ва ТошДУ ўқитувчилари иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судяси А. О. Қодиров раислигида, судялар Ж. Субхонқулов ва А. Б. Дўстбобоевлардан иборат ҳайъатда, Ўзбекистон Бош прокурорининг катта ёрдамчиси О. Р. Матхоликов, ҳимоячилар Ш. Рашидова, М. Шамсиева, М. Тойжонова, М. Суярова, М. Бузрукова, Р. Шайхутдиновларнинг иштирокида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фитна уюштиришда иштирок этишда айбланган бир гуруҳ шахслар устидан жиноят иши кўрилиб, ҳукм эълон қилинди.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, собиқ «Эрк» демократик партиясининг раиси Мадаминов Салай (Муҳаммад Солиҳ)нинг ташкилотчилигида, Қашқадарё вилоятида яшовчи 46 нафар ёш йигитлар танлаб олиниб, шулардан 21 тасини алдов йўли билан «бизнесменликка» ўқитиш ниқоби остида ғайриқонуний равишда Туркияга, сўнгра Чечен Республикасининг Грозний шаҳрига олиб бориб, бу йигитларни мафкуравий жиҳатдан қайта тарбиялаб, уларга яккама-якка кураш усулларини, замонавий ўточар қуроллардан фойдаланиш йўлларини ва қўпорувчилик ишларини ўргатиб, сўнгра бу йигитлардан Ўзбекистон Республикасига қарши алоҳида хавфли жиноятлар содир қилишда фойдаланмоқчи бўлганлар.

Бу жиноятларни бош иштирокчилари Мурод Жўраев — 12 йил муддатга, Эркин Ашуров, Шавкат Холбоев, Неъмат Аҳмедовлар — 10 йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилинди, ушбу жиноятни бошқа қатнашчилари ҳам узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиндилар.

***

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судяси Ж. У. Ғайбуллаев раислигида, судялар Э. Йўлдошев ва К. Тоғаевдан иборат ҳайъатда Н. М. Қосимов, А. А. Ибрагимов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши кўрилиб, 1995 йил 29 март куни ҳукм эълон қилинди.

Жиноят иши материалларига қараганда, Н. М. Қосимов томонидан ташкил қилинган қуролли банда 1993 йил декабр ойида фуқаро — Ф. Ғозиевага нисбатан, 1994 йил 4 феврал куни «УзДЭУэлектроникс» корхонаси дўконига нисбатан, 1994 йил 7 апрел куни фуқаро Ш. Исроиловга нисбатан бандитизм жиноятини содир қилишиб, «УзДЭУэлектроникс» дўконига ўз таъсир доираларини ўтказишга ҳаракат қилишади.

Ҳозирги вақтда қидирувда бўлган А. Ғозиев ва судланувчи А. Ибрагимовлар томонидан тузилган қуролли банда аъзолари ҳам жиноятчилик оламида ном қозониш ва «УзДЭУэлектроникс» дўконига ўз таъсир доираларини ўтказиш учун ҳаракат қилишиб, дўконга нисбатан келиб чиққан низони «разбор» қилиш учун Қосимов бошлиқ банда аъзоларини 1994 йил 12 апрел куни Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган «Дендропарк»га учрашувга чақиришади.

Икки қарама-қарши банданинг 1994 йил 12 апрел куни соат 17.00 да «Дендропарк»да қуролли тўқнашуви натижасида отишма бўлиб, оқибатда 5 киши вафот қилади ва 2 киши ўқотар қуролдан жароҳатланади.

Олий суднинг ҳукмига биноан қуролли банда раҳбарлари ва фаол аъзоларидан Н. М. Қосимов, А. А. Ибрагимов, И. С. Махмутовлар Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 67-моддаси билан айбли деб топилиб, М. М. Ирматов эса жиноят кодексининг 67, 80-моддаси 1, 4, 6-бандлари билан айбли деб топилиб, фавқулодда жазо — ўлим жазосига ҳукм қилиндилар.

Қарама-қарши банданинг қолган 10 кишидан иборат аъзолари ҳам Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 67-моддаси билан айбдор деб топилиб, узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судландилар.



9 АПРЕЛ — АМИР ТЕМУР ТУҒИЛГАН КУН

Хайрулла ИСМАТУЛЛА

ТЕМУР ВА ИСПАНИЯ

ТУРКИСТОН ВА ИСПАНИЯ УРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ

Маълум тарихий ҳужжатларнинг далолат беришича қараганда, христиан дунёси, католик папаси Туркистонни XIII асрдан бери кузатиб келган; махсус тайёргарлик курган, тилимиз ва урф-одатларимизни билувчи кишиларни муайян сипориш билан юртимизга доимо юбориб турган.

XIII асрда ҳатто Чингизхон салтанатига ҳам овруполиклар, католик дини вакиллари кириб, «ўрнаша олган» эдилар(1).

1400 йилнинг бошларида Амир Темур қўшинлари христиан Гуржистонига қадам қўйганида, Оврупо мамлакатлари қироллари, христиан дини пешволари синчковлик билан унинг ҳаракатларини кузатиб борганликларини Ғарб мутахассислари таъкидлайдилар(2).

Бу пайтларда Испанияда Ҳенри III «Кастилия ва Леон қироли» деб юритиларди.

Христиан дунёси, Оврупо мамлакатлари, айниқса Франция, Англия, Испания (Кастилия, Леон), Византия (Константинопол) Амир Темур билан яқин алоқада бўлишлари натижасида бир уқ билан бир неча қушни уришни режалаштиргандилар. Биринчи навбатда, улар Оврупо учун енгилмас саналган Боязидга қарши курашда Амир қудратига суянмоқчи эдилар. Бундан ташқари, Осиё билан савдо йўлининг очилиши ҳам уларни қизиқтирарди. Чунки бу даврга келиб, Осиё қитъасининг энг эътиборли мамлакатлари Амир Темур таъсир доирасида эди. Оврупони энг кўп қизиқтирган ва безовта қилган нарса Амир Темурнинг келгуси режалари бўлган эди. Боязидни енгиб, Амир Оврупога юриш қиладими ёки ўз ватанига қайтадими? XV асрнинг илк саналарида Оврупо дипломатияси олдига қўйилган ана шу саволга тезлик билан жавоб топиш лозим эди. Бу саволга тўғри, мантиқий жавоб топиш учун Оврупонинг барча расмий ва «норасмий» дипломатияси ишга солинди, энг яхши тайёргарлик курган дипломатлар, Туркистон одатлари, тилидан хабардор, махсус «мактаб кўрган» ўз касбининг усталари турли либосларда Амир Темурнинг Дамашқ, Сивас, Ангора яқинидаги қароргоҳларига йўналтирилди.

Бу даврда (1400 — 1402) энг кўп ва хўб ҳаракат қилганлар Франция қироли Шарл VI Валуа, Византия қироли Мануэл II Палаеологос ва унинг жияни Иоаннес VII ҳамда Кастилия ва Леон қироли Ҳенри III бўлдилар.

Испания қироли Ҳенри III

Бутун Оврупода Франция қироли Шарл VI Валуа катта таъсирга эга бўлган. Бироқ Кастилия ва Леон қироли Ҳенри III ҳам ўз мустақил сиёсатини олиб боришга ҳаракат қилган. Ҳенри III нинг Амир Темур билан яқинлашганлиги ҳамда ўз элчилари орқали буюк амирга «Сизнинг ўғлингизман», дейиши унинг яхши сиёсатдон бўлганлигидан далолат беради. Амир Темур Самарқанддаги қабулда кўп марта Испания қироли Ҳенри III ни «Менинг ўғлим», деб атаганлигини Клавихо ўз хотираларида алоҳида таъкидлаб ўтади:

«У (Темурбек — Х.И.) уларга (элчиларга — Х.И.) савол билан мурожаат қилди:

— Қиролингиз, менинг ўғлимнинг аҳволлари қандай? Ишлари дурустми? Соғлиғи яхшими?..

Темурбек оёғининг тагида ўтирганларга... қарата деди:

— Ўғлим, Испания қироли менга юборган мана бу элчиларга бир қаранглар. У дунёнинг бир чеккасида ҳукмронлик қилаётган фаранг қироллари ичида энг улуғи, унинг халқи буюк ва машҳурдир. Ўғлим, Испания қиролига ташаккур билдириб, нома юбораман. У менга атаб бу элчилар билан фақат хат юборса, шунинг ўзи ҳам кифоя бўлур эрди. Совғаларга не ҳожат. Мен унинг ишлари ва соғлиғини билгим келади, холос. Менга ундан ҳеч вақт совғалар керак эрмас» (Арготе де Молина нашри).

Кастилия ва Леон қироли Ҳенри III (қироллик йиллари: 1390 — 1407) даврида Испанияда нисбатан осойишталик ҳукм сурган. Оврупонинг нисбатан кичик бир қисмида ҳукм сурган бундай осойишталикнинг боиси 1388 йили Кастилия қироли Иоан I (қадимги испан қўлёзмаларида Хуан; инглиз тилидаги манбаларда Жон I) Англия билан алоҳида тинчлик сулҳи тузганлиги ҳамда Иоан I нинг ўғли ўн икки ёшли Ҳенри номли испан шаҳзодасини (кейинчалик Ҳенри III номини олган) Англия қироллигига даъвогарлар авлоди — ўн ўрт ёшли Катарина Ланкастерга уйлантирилганлиги эди.

1390 йили Иоан I отдан йиқилиб, дунёдан ўтганидан сўнг, тахтга Амир Темурнинг бўлғуси «ўғли» ўтирди ва Ҳенри III номини олди. Қиролнинг ёшлиги туфайли мамлакатни муайян муддат Ҳенри III нинг яқинлари бошқарган бўлсалар-да, расмий қирол ҳамма вақт Ҳенри III саналган.

Кастилия ва Леоннинг янги қироли, ўша давр тарихчиларининг гувоҳлик беришларича, очиқ чеҳрали, очиқ кўнгилли, эркинлик тарафдори бўлган. Бу хусусиятларидан ташқари, Тангри уни сўзга чечанлик ва нотиқлик қобилиятидан ҳам бенасиб қилмаган.

Қадимги машҳур испан тарихчиси Хуан де Мариананинг ёзишига қараганда, Ҳенри III жуда кўп христиан давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатишга муваффақ бўлибгина қолмай, Осиё давлатлари билан ҳам яхши муносабат ўрнатишга ҳаракат қилган(3).

Амир Темур билан яхши муносабатда бўлиш Испания учун ҳар жиҳатдан фойдали эди. Турклар таҳдидидан Амир Темур ёрдамида қутулиш Испаниянинг биринчи навбатдаги режаси бўлган.

Бу даврда дипломатик муносабатлар ўрнатиш бирёқлама, фақат Оврупо давлатларининг ташаббуси билан бўлмаганди.

Кейинги пайтларда турли мамлакат архивларидан топилаётган ҳужжатлар дипломатик муносабатлар ўрнатишга, тинч-тотув яшашга интилиш икки томонлама бўлганлигини исботлаяпти. Топилган ҳужжатлар Буюк Амир салтанатида ҳамда кейинги темурийлар даврида (айниқса Шоҳрух, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Акбар, Жаҳонгир, Аврангзеб) ҳам Византия, Италия, Испания, Франция, Англия каби давлатлар билан яқин муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилинганлигини кўрсатади.

Туркистон билан Испания (Кастилия ва Леон), Франция, Англия ҳамда Византия (Константинопол) ўрталаридаги алоқаларнинг тамал тошлари XV асрнинг биринчи саналарида Амир Темур ташаббуси билан қўйилганди.

Кастилия ва Леон қироли Ҳенри III Амир Темур салтанатига Клавихо бошлиқ элчиларни юбориб, Амир Темур билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилганлиги сабабли тарихда қолган бўлса-да, Ҳенри III ворисларининг Испания ва жаҳон тарихида тутган ўринлари салмоқлидир.

Ҳенри III нинг жияни (унинг исми ҳам Ҳенри бўлган) Овруподан Ҳиндистонга сув йўлини очганлардан бири саналади. Ҳенри III нинг қиз набираси Исабелла машҳур Христофор Колумбни Америка қитъаси томон сафар қилишга отлантирганлиги билан тарихда қолган(4).

Ҳенри III 1406 йилнинг сўнгги диний байрами (христмас) кунлари Толедо шаҳрида вафот этган. Шу боис унинг вафот этган йилини тадқиқотчилар 1407 йил деб кўрсатишади. Ҳенри III дан бир ўғил Иоан (айрим манбаларда Жон; у 1405 йили туғилган) ва икки қиз: Марина ва Каталина қолган. Клавихо Ҳенри III га яқин бўлганлиги туфайли 1406 йил декабрида, қирол Ҳенри III нинг вафотидан олдин унинг васиятномасини тузишда гувоҳ сифатида қатнашган (5).

***

Амир Темур қўшининнинг Боязид қўшини билан тўқнашувидан олдин (тўқнашув 1402 йил 20 (айрим манбаларда 28 июлда бўлган) Ҳенри III узининг Дон Пайо Гомез де Сотомайор ҳамда Ҳернан Санчес де Палазуелос исмли икки элчисини Боязид ҳузурига бўлажак урушни кузатиш мақсадида жўнаттан. Боязид уларни ўзи билан уруш майдони — жангтоҳга олиб боришга розилик берган. Бу уруш Боязиднинг мағлубияти билан тугагач, асирга олинганлар орасида испан элчилари ҳам борлиги билан Амир билган ва улар билан учрашган. Амир Темур уларни яхши қабул қилган. Кўпчилик Ғарб шарқшуносларининг бу хусусда келтирадиган тарихлари шундан иборат(6). Аммо бошқа бир фикр ҳам мавжуд. Бунга кўра, Ҳенри III янги маълумотлар тўплаб келиш мақсадида элчиларни юборган. Унинг элчилари тўғри Амир Темурнинг Ангорадаги қароргоҳига келганлар ҳамда Амир томонидан илиқ кутиб олинганлар. Инглиз шарқшуноси Гай Ле Странж «Ҳақиқий хабарларни сабрсизлик билан кутаётган Ҳенри III Амир Темур қароргоҳига икки элчисини юборди»,— деб ёзади(7). Мазкур элчилар 1402 йил 20 июлдан кейин, яъни Амир Темур Боязид устидан ғалаба қозонганидан сўнг, Амир ҳузурида бўладилар.

Руи Гонзалез де Клавихо

Бошқа тарихчиларнинг келтирган далилларига бу жуда ҳам мос келмайди.

Фикримизча, Ҳенри III ҳар икки қароргоҳга — ҳам Амир Темур, ҳам Боязид қароргоҳига ўз элчиларини юборган. Бу йўл Испания қироли Ҳенри III учун ютқизиқ йўли эмас эди. Бунда қайси томоннинг урушда ғолиб чиқишидан қатъи назар Ҳенри III ҳар икки вазиятда ҳам ғолиб томонда бўлар эди.

Барча тарихий манбаларда Амир Темур испан элчиларини яхши қабул қилганлиги, улар ватанларига қайтаётганларида қимматбаҳо совғалар, зебу зийнат, заргарлик буюмлари ҳамда овруполик икки соҳибжамол қизни уларнинг қўлига топшириганлиги ҳақида маълумот берилади(8).

Элчилар орқали қирол Ҳенри III га атаб қимматбаҳо совғалар берилганлиги ўша даврда урф бўлган илтифотларнинг бир кўринишидир. Аммо икки ёш ғўзал овруполик қизни элчилар орқали Ҳенри III ихтиёрига юборилиши ўша давр тарихи билан таниш бўлмаган ўқувчиларга эриш туюлиши табиий. Бу икки қиз кимлар эди ва нечун Амир Темур уларни Испания элчилари де Сотомайор ва де Палазуелос қўлларига топшириб юборди?

Никополис яқинидаги Оврупо қўшинлари билан бўлган жангда Боязиднинг қўли баланд келиб, у жуда кўп овруполиклар асрга олинганди. Асирга тушганлар ичида аёллар ҳам бўлган. Овруполик ғўзал аёлларни Боязид ўз ҳарамида сақлаган; Амир Темур билан бўлган жангда улар Амир қўшинлари ихтиёрига ўтган.

Икки ёш аёлнинг бири Мариа исмли қиз бўлиб, у Каунт Иоан исмли кишининг қизи, Можаристон (Венгрия) қиролининг набираси бўлган. Ангелина исмли иккинчи қизнинг ота-оналари грек бўлган. Ҳар икки қиз элчилар билан бирга Испанияга эсон-омон етиб борганлар.

Амир Темурнинг ҳиммати туфайли кейинги ҳаётларида қизларга тақдир кулиб боққан. Улар испаниялик зодагонларга турмушга чиқиб, фарзандлик бўлганлар.

Амир Темурнинг Ангорадаги қароргоҳига келган элчи Дон Пайо Гомез де Сотомайор ғўзал Мариага ўйланган. Ўша давр испан адабиётида бу икки ғўзал қиз ҳақида кўплаб балладалар яратилган.

Испан тарихчиси Арготе де Молина бу ёш аёлларнинг ҳаёти ҳақида батафсил маълумот бериб, ўз ишида уларга атаб ёзилган шеърларни ҳам келтиради.

Клавихо хотираларининг биринчи инглизча нашрини чиқарган ва бу нашрга катта тадқиқотини илова этган инглиз олими К. Р. Маркҳамнинг гувоҳлик беришича, Испания томон кетаётган элчилар йўлда Ходар шаҳрида тўхтайдилар. Ходар ва Карпио шаҳарларининг ҳокими ўша вақтда элчи Сотомайорнинг жияни бўлган. Улар яхши кутиб олинган. Икки ғўзал қизга Ходардаги фаввора ёнига икки алоҳида чодир тикиб, улар ўша ерда бир муддат дам олишади (Клавихо хотираларининг К. Р. Маркҳам нашри, Лондон, 1859, III, IV бетлар).

Элчи Сотомайор ғўзал Мариага ошиқ бўлиб қолади ва унга ўз муҳаббатини ўша фаввора ёнида изҳор этади. Бу икки ёшнинг ошиқ-маъшуқ бўлиб қолганларига Амир Темур испан элчилари билан қўшиб, қирол Ҳенри III саройига юборган элчимиз ҳам гувоҳ бўлган. Арготе де Молина ўз ишига бу ҳақда ёзилган балладани илова қилади. Шу балладанинг ўрт мисраларининг сўзма-сўз таржимаси қуйидагича:

Ходар (шаҳри) фаввораси ёнида
Шаҳло кўзли ғўзални кўрдим ман.
Ҳатто бир соат ҳам чидай олмасдан
У (кўз)лар уқидан қурбон бўлдим ман(9).

Мариа Амир Темур қабулида бўлган Испания элчиси Сотомайорга турмушга чиққан ва ўғиллик бўлган.

Амир Темур қўлликдан озод қилган грек қизи Ангелина Испаниянинг Севилл шаҳрида Дон Диего Гонзалез де Контрерас исмли кишига турмушга чиқиб, ўз бахтини топган. Бу қиз тақдири ҳақида Арготе де Молина ўзининг «Андалузия зодагонлари тарихи» ишида маълумот бериб, бу қизга атаб ўша давр шоири Франсиско Империал ёзган шеърдан намуна келтиради (сўзма-сўз таржимаси):

Татар ё грек қизими эрди
Кўриб, мен аниқлай олмадим.
Лек унинг борлиги, қадди-қомати
Улуғлигидан дарак берарди(10).

ИЗОҲЛАР

1. Буюк Британия тарихчиси Габриэл Ронэй «Татар хонининг инглиз кишиси» (Лондон, 1978) китобида Ботухоннинг ташқи ишларни ишониб топширган энг яқин кишиси Англия одами бўлганлигини архив ҳужжатлари билан исботлайди.

Турли сабабларга кўра ўша даврларда Ўрта Осиёга юборилган овруполикларнинг исми шарифларини кўпчилик билмаган. Ботухоннинг ташқи ишларини юритган инглиз кишисининг ҳам, Амир Темур Франциядга ўз салтанати номидан юборган «элчи»нинг ҳам асл исмлари ҳануз маълум эмас.

Мазкур китоб муаллифининг фикрича, Ботухон саройидаги инглиз кишисининг исми фақат Австриянинг католик руҳонийси бошлиғига маълум бўлган (шу китоб, 13-бет). Бу инглиз айғоқчиси бошқа бир «сайёҳ», асли ислом динига қарши курашга бел боғлаган Марко Полодан ярим аср олдин Ўрта Осиё ерларига қадам қўйган;

2. Гай Ле Странж, «Темурлан (саройи)га (юборилган) Клавихо элчихонаси, 1403 — 1406». Кириш (инглиз тилида). Қаранг: Клавихо, «Темурлан (саройи)га (юборилган) элчихона». Лондон, 1928, 4-, 5-бетлар;

3. «Руи Гонзалез де Клавихонинг Самарқанддаги Темур саройига юборилган элчихонаси хотиралари, мелодий 1403 — 1406 йиллар». Сўзбоши муаллифи — Клементс Р. Маркҳам (инглиз тилида). Лондон, Ҳаклуйт жамияти учун нашр этилган (1859);

4. Бу ҳақда қаранг: Гай Ле Странж, ўша асар, 5-бет;

5. Эдвард Д. Сокол, «Тамерлан» (инглиз тилида). Коронадо пресс, Лауренс, Канзас, 1977, 189-бет;

6. «Руи Гонзалез де Клавихонинг Самарқанддаги Темур саройига юборилган элчихонаси хотиралари», К. Р. Маркҳам нашри, VIII бет;

7. Қаранг: Гай Ле Странж, ўша асар; Кириш, 5-бет;

8. Клавихо хотираларининг русча иккинчи нашрида бу икки ёш қиз ҳақида ушбу хато маълумот берилади: «...С этим посланником был один чекатайский кавалер по имени Магомет Алькаги(?),... Этот посланник прибыл к сенору королью Кастилии и передал ему ...подношения, и драгоценности и жен (?), которых он прислал по своему обычаю». (Қаранг: Руи Гонзалез де Клавихо, «Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темура (1403 — 1406)», Москва, 1990, стр. 16. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки Амир Темур ўз ота-онасига топшириш мақсадида Ҳенри III ихтиёрига икки хотинни эмас, балки ёш, турмушга чиқмаган қизларни юборган. Яна: русча таржимадаги (Темур хотинларни) «ўз одатига кўра юборди» («он прислал по своему обычаю») ибораси асл матнда йўқ, бошқа тилларга қилинган таржималарда ҳам учрамайди. Г. Ле. Странж таржимасида «Темур ёш аёлларни эсон-омон етказиб топшириш учун Испанияга юборди», дейилган (қаранг: Г. Ле. Странж нашри, 25-бет);

9. «Буюк Темурлан тарихи». Арготе де Молина, «Қисқача кириш» (испан тилида), Мадрид, 1782, 6-бет;

10. Арготе де Молина, «Андалузия зодагонлари тарихи» (испан тилида), Севилл, 1583;Бу ҳақда яна қаранг: Клавихо, «Темурлан мамлакатига юборилган элчихона...», 340-бет.

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

(Боши 1-бетда)

Мазкур ишларнинг бажарилишига Самарқанд шаҳар ва Сиёб тумани ҳокимликлари, вилоят таъмирлаш устахонаси, улгуржи биржа савдо ҳиссадорлик жамияти масъул этиб белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида Самарқандда 1995 — 1996 йилларда таъмирланадиган 9 объект кўзда тутилган эди. Биз ўз имкониятларимизни ҳисобга олиб, қайта таъмирланадиган объектлар сонини 35 тага етказишга қарор қилдик. Юбилейга тайёргарлик жараёни аниқ-пухта ва кўтаринки руҳда ташкил этилиши кераклигини чуқур ҳис қилаяпмиз. Негаки, соҳибқирон Амир Темур — жаҳон тарихининг буюк сиймоси деб улуғланган экан, демак, юбилей тантаналари ҳам бутун жаҳон эътиборида бўлади. Бу улкан маърака муносабати билан мустақил мамлакатимиз маданияти, маърифати, маънавияти, шунингдек истиқлолимиз ютуқлари яна бир бор жаҳон халқлари назаридан ўтади. Биз буюк бобомизга бағишланган анжуманга ана шу нуқтаи назардан қарамоқдамиз. Вилоят ҳокимлигида Амир Темур шарафига ёдгорлик мажмуини барпо этиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди. Бунинг учун махсус конкурс эълон этилди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорида, жумладан, «Темурийлар даври маданияти ва санъати» мавзусида махсус халқаро сайёҳлик маршрутлари очиш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Биз ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда, вилоятимизда қуйидаги маршрутларни очишни мўлжалламоқдамиз.

БИРИНЧИ МАРШРУТ: Улуғбек расадхонаси — Шоҳизинда ансамбли, Бибихоним масжиди, Регистон мажмуи, Акмал Икромов номидаги Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейи, Гури Амир мақбараси.

ИККИНЧИ МАРШРУТ: Ишратхона, Ҳожа Аҳрори Вали зиёраттоҳи, Маҳдуми Аъзам мажмуи, Ҳожа Исмоил ал-Бухорий масжиди.

УЧИНЧИ МАРШРУТ: Самарқанд — Бухоро — Самарқанд;Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Урганч; Самарқанд — Шаҳрисабз — Термиз — Самарқанд йўналишлари. Мазкур туристик маршрутларда Амир Темур ва темурийлар ҳақида, ўша давр маданияти, илм-фани, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тўғрисида батафсил маълумотлар берилади. Шу муносабат билан тегишли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда бир муаммо хусусида ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Маълумки, халқимиз тарихини акс эттирувчи ноёб ашёлар, жумладан, Амир Темур ва темурийлар даври, маданияти билан боғлиқ тарихий нодир буюмларнинг кўплари республикамиздан ташқарида сақланмоқда. Масалан, Санкт-Петербургдаги Эрмитажда Гури Амир мақбарасининг асл лавҳаси, темурийлар муҳрлари, халқимизнинг тарихига оид бошқа нодир буюмлар бор. Юбилей муносабати билан уларни республикамизга олиб келиш тадбирлари кўрилса, мақбул иш бўлар эди. Шу билан бирга, музейларимизда сақланаётган Амир Темур ва темурийларга доир нодир ашёларни таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Самарқанддаги Республика маданияти ва тарихи музейида Амир Темур тобутининг қопқоғи тоб еб, бутунлай қийшайиб қолганлиги сабабли намойиш этилмаётир. Уни асл ҳолига келтира оладиган устамутахассислар ўзимизда бор. Уларни бу савоб ишга сафарбар этиш керак. Бундан ташқари, Амир Темур тобутининг устига ёпилган тўн қолдиғи ҳам ҳозиргача сақланиб қолган. Уни таъмирлаб, ноёб ашё сифатида намойиш этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса маълум миқдорда маблағ зарур бўлади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан самарқандликлар зиммасига юклатилган барча вазифалар ўз вақтида бекаму кўст бажарилади. Улуғ анжуманга тайёргарлик ишларини кучайтиришнинг барча чора-тадбирлари кўрилади. Самарқандликларга хос бўлган юксак уюшқоқлик, баланд руҳ, кўтаринкилик фаолиятимизнинг асосий мазмунига айланади.

«ИЛОН ЎЧИ»

Узбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин бир неча романлари билан ўзбек китобхонларининг ҳурмат, эътиборини қозонган оқсоқол адибларимиздан. Муаллифнинг йирик жанрдаги асарлари асосида тайёрланган радиоинсценировкалар, бадиий филмлар миллионлаб тингловчи, томошабинларга манзур бўлгани сир эмас. Унинг кўплаб нусхада, турли тилларда чоп этилган китоблари ҳам замонавий ва ҳам тарихий мавзуларда замоннинг муҳим муаммоларидан, эзгулик ва ёвузликнинг муросасиз курашидан ҳикоя қилади.



Ўтган йили «Ёзувчи» нашриёти Мирмуҳсиннинг тўрт фасл, қирқ беш ҳикоядан иборат янги «Илон ўчи» романини нашрдан чиқарди. Адиб бу асарида ҳам бадиий адабиётнинг азалий мавзуларига содиқ қолган — икки қутб, яъни ҳалоллик ва риёкорлик «Илон ўчи» романида кескин тўқнашувларда тасвирланади. Китобнинг сўзбошисида таъкидланганидек, тарихан қадимий адабиётимизда бу курашни ўзида акс эттирган жуда кўплаб асарлар яратилган. Янги романда мансабдор ўзбек оиласининг қизи Нигора қисмати, унинг фожиавий муҳаббати ҳам ҳалоллик ва риёкорлик оташида тобланади. Ривоятларга кўра илон ўлдирилган ўз жуфти учун уч олади дейилади, нопок кимсалар ҳам қаттиқ кек сақлашади ва охир-оқибат уч олади. Муаллиф турмушимиздаги ана шундай иллатли кўринишлар — ичиқоралик, ҳасадгўйлик, ғараз ва хусуматни кескин танқид қилади.

«Илон ўчи» ун беш минг нусхада чоп этилган. Китобни рассом Ғ. Бакирова безаган. Муҳаррирлар: Баҳордир Муродалиев, Ёқут Раҳимова.

«БУВАМНИ СОҒИНИБ»

Яқинда «Чулпон» нашриётида чоп қилинган «Бувамни соғиниб» китобчасини Мирмуҳсин кичкинтойларга мўлжаллаб ёзган.

доимий ҳамроҳ

Унга кичик-кичик еттита ҳикоя жамланган. Ҳикояларда усмирлар ҳаётидан олинган ибратли воқеалар содда, самимий тилда ҳикоя қилинади. Муаллиф диққат-эътиборни аввало ҳикояларнинг тарбиявий томонига қаратади. Бола қалбида кексаларга, табиатга меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат туйғуларининг куртак ёзиши билан боғлиқ тасвирлар, эл юмушига жажжи улушини қўшишга интилиши акс этган воқеалар ёш китобхонлар юрагида яхшиликка рағбат уйготиши шубҳасиз.

«Бувамни соғиниб» китобчаси рангли расмлар билан безатилган. Шу ўринда мусавир У. Солиҳовнинг меҳнатини ҳам таъкидлаш ўринли. Китобга Ҳ. Имонбердиев муҳаррирлик қилган. «Бувамни соғиниб» китобчаси ун саккиз минг нусхада чоп қилинган.

Баҳор меҳнати билан...

Н. МУҲАММАДИЕВ суратга олган

ИҚТИДОРНИНГ ҚАДРИ

АКС САДО

«Узбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йилги 10 феврал сонидаги «Ҳеч нарса изсиз йўқолмайди» мақоласини ўқиб ўйга толдим. Иймоним комилки, қачон мамлакат давлатмандлари зиёли бўлса, ҳақиқий санъат асарини жўн нарсадан ажрата олса, ана шунда миллий санъатимиз ривож топади. Чунки косиб санъаткорга айлангани билан ишлаган асарининг қадрига етадиган харидор бўлмаса, оддий ҳунарманд санъаткор даражасига кўтарилишга интилмайди.

Айтайлик, илгари бир темирчи бир кунда унга, иккинчи темирчи эса фақат битта оташкурак ясаган бўлсин, лекин у кўрса-кўргудек санъат асари даражасида бўлган. Нархи ҳам юқори, ўша ўнта оташкуракникига тенг дейлик. Албатта, иккала ҳунарманднинг ҳам ўз харидори бўлган. Мана, косиблик, ҳунармандчиликни ривожлантириш, такомиллаштириш учун туртки бўладиган омил! Ҳақиқий уста кунига ўнта оташкурак ясагандан кўра, қимматроқ турадиган биттасини ясашга ҳаракат қилган. Айни чоғда у ўз оташкурагини бошқа усталар маҳсулотидан сифат жиҳатидан, безак жиҳатидан доим устун бўлиши учун муттасил заҳмат чеккан, изланган. Ҳозирчи? Қурби етадиган одамнинг уйида ҳам, оддий ишчининг уйида ҳам бир хил оташкурак. Чунки пул топадиган одам фақат пул топишни билади, санъат асаридан оддий нарсани ажрата олмайди.

Ёки театр соҳасини олайлик. Театр ҳақида наманганлик қизиқчи Рустам Ҳамроқулов (Худо раҳмат қилсин) шундай деган эди: «Театрда икки хил одам ишлайди. Бири фидойи — тинмай ишланувчи, кечалари билан рол ёдловчи. Иккинчиси — «Қаерда ишлайсан», деганда, «Театрда», дейиш учун ишлайди. Бундайлар оммавий саҳналарда қатнашадилар (чунки тўйга бориш учун вақт кўпроқ керак бўлади)».

Энди тасаввур қилинг, саҳнада бир кўриниш: Малик тахтида савлат тўкиб ўтирибди, ёнида бир қул елпиғич билан бир маромда елпиб турибди. Томоша тугагач, ўйларига «қул» ўз машинасида «малик» эса пиёда кетади. Мана шуни театр дейишади. Қизиғи шундаки,«малик» ва «қул»нинг маошларида унча фарқ йўқ.

Менимча, театрларни ҳам қайта қуриш, иқтидорли санъаткорга муносабатни ўзгартириш керак. Бунинг учун чипталар нархи оширилиши зарур. Бинобарин, гап пулга бориб тақаляпти. Театрга келган киши фақат асарни эмас, фойеларда ташкил этилган кўргазмаларни кўриш имкониятига ҳам эга бўлгани маъқул. Бундан ташқари, жумуҳуриятимизга янги келтирилган саноат моллари билан танишиш, санъат асарларини кимошди савдосида харид қилиш, шоир, ёзувчиларнинг янги китобларини муаллиф дастхати билан сотиб олиш имконияти яратилса, театрга одамларни тортиш осонлашади. Томошага тасодифан кириб қолганлар ҳам астасекин санъатга қизиқиши мумкин. Бас, шундай экан, нега театрлар фойеларида томоша олдидан осори атиқа буюмлар савдосини ташкил қилиш мумкин эмас?

Бухоро шаҳрига ижодий сафарларимиздан бирида, «эски-туски» расталарида ёш келин-куёв олдиларига ёйиб қўйган нарсалар эътиборимни тортди. Улар орасида кумушдан ясалган сочпопук, нуҳатдек-нуҳатдек феруза тошли мунчоқ-тасбеҳ, кумуш зебигардон ва шунга ўхшаш антиквар буюмлар бор эди. Мен феруза тошли тасбеҳни қўлимга олиб, келин-куёвдан неча пулга сотмоқчи эканликларини сўрадим:

— Ўн беш сўмга, — дейишди улар.

Тушундимки, сотувчилар ўз буюмларининг асл баҳосини билишмайди. Икки-уч хил нарсани танлаб айтган баҳоларида сотиб олдим ва уларга буларнинг нархи анча баланд туришини тушунтирдим. Лекин келин-куёв ночоргина жилмайиб, елка қисиб қўйишди. Қарангки, бу қиймматбаҳо зеб-зийнатларни бир аёл ёшлигидан, умр йўлдошидан, ота-бобосидан эсдалик сифатида неча йиллар авайлаб сақлаб келгану, у дунёдан кўз юмгач, набиралари «эски» нарсаларни биронта «эси пастга» сотиб юбориш илинжида бозорга олиб чиқишган. Бу фожиадир. Фақат ёш келин-куёвнингтина эмас, ҳаммамизнинг фожиамиздир. Шу кетишда фарзандларимиз санъат асарини оддий нарсадан муталақо фарқламайдиган бўлиб қолишади. Биз минг йиллар мобайнида йиғилган миллий бойликларимизни кепак нархида сотиб юборамиз, болаларимиз эса Берлин, Париж, Лондон музейларига бориб, боболари яратган ўша санъат асарларини томоша қилиб қайтишади. Бир мисол:

Фарғонада яшаб ижод қилган бир мусаввир-тобеленчи москвалик ҳамкасблари билан Узбекистоннинг тоғли районларига экспедиция уюштирди. У ерлардан халқ амалий санъати буюмларини сотиб олиб, Москвада қайта тиклашди, кейин чет элларга сотишди. Афсуслар-ки, бундай «овчилар» чекка районларда ҳали ҳам учраб туради. Маҳаллий халқ эса уларнинг устидан кулишади. Баъзилар «Момомдан қолган эски пат гиламни икки юз сўмга сотиб юбордим», — деб қувониб юради. Бироқ «момосидан қолган» ўша гиламнинг нархи ун минг сўмдан кам эмаслигини билмайди. Чунки уларнинг бўёғи табиий кўкатлардан олинган. Сув текинга сотилаётган, ёглама бўлиб кетган эски мис қозон, мис кўзаларни қизиқиш учун ҳам бир тозалаб, қумлаб ювиб кўриш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди.

— Менинг аждодим бой ўтган, — деб кўкрагига урадиганлар кўпу лекин ўша бой аждоди мисқоллаб йиққан асл буюмларнинг қадрига етадиганлар кам.

Москва ва Петербургда неча-неча бойлар ўтган, лекин шуларнинг ичида нима учун ҳаммма Третяковни билади? Чунки у бор бойлигини санъат асарларига сарф қилди ва шу билан номини абадийлаштирди. Ҳозир бизда ҳам тижоратчи бойларда миллий санъатимизни келгуси авлод учун сақлаб қолиб, савоб ортгириш имконияти бор. Қанийди, фойдасининг бир қисмини савоб учун халқ маънавиятини оширадиган соҳаларга сарф қиладиганлар кўпаяверса. Иншооллоҳ, ўша кунларга ҳам етармиз!

Турсун Али МУҲАММАД

Дилбар ҲАЙДАРОВА

МЕНИНГ КЎНГЛИМ ОҚҚАН ДАРЁ

***

Менинг кўнглим оққан дарё,
Сени минг бор кечирган.
Тоғларга ҳам ёққан дарё,
Гулларга сув ичирган.

Менинг кўнглим синиб, синиб,
Алдовингга кўндилар.
Кўз ёшларим шимиб, шимиб,
Сен кулганда кулдилар.

Менинг кўнглим дунёдаги,
Яхшиларнинг ғариби,
Титрайвериб барг сингари,
Йўлларингда қариди.

Менинг кўнглим адашган қул,
Йўлларингни супурган.
Саратонда саргайган гул,
Соғинчингни уфурган.

Менинг кўнглим оққан дарё;
Сени минг бор кечирган.
Тошлар бағрин ёққан дарё,
Ишқ майини ичирган.

МУҲАББАТ

Кўзларим кўр экан очилди кетди,
Орзулар дурдайин сочилди кетди,
Алдоқчи қасамлар ичилди кетди,
Бошимни силама, ёлғон муҳаббат.

Сенинг йўлларингда ойдай балқидим,
Кўзингнинг чашмида оқдим, қалқидим,
Дунёда бир сени, сени алқадим,
Ҳолимни сўрама, ёлғон муҳаббат.

Сойлар тубидаги тошга айландим,
Жафоларга дунган бошга айландим,
Қуксингга тўкилган ёшга айландим,
Борлигинг ёлғона, ёлғон муҳаббат.

Кийган кўйлакларим баҳордан дарак,
Юрган йўлларимда шодлик, гуддирак,
Дилдоҳдир Дилбарга тоза ҳар юрак.
Ғийбат бозорига менда замон йўқ.

СИЗНИНГ БОРИНГИЗ ЁЛҒОН

Умр дарё каби ўтиб боради,
Чўққилар негадир чўкиб боради,
Баҳор кўз ёшини тўкиб боради,
Сизни деб ҳаммадан кечса бир аёл.

Бу дунёда сизнинг борингиз ёлғон,
Севаман деб айтган зорингиз ёлғон,
Сиз суянган дўсту ёрингиз ёлғон,
Илоннинг заҳрини ичса бир аёл.

Муҳаббат гуллари сўладир охир,
Юраклар аламга туладир охир...
Бу дунёда сизнинг борингиз ёлғон...

СОҒИНИБ ЎЛАМАН

Минг-минг чақрим йўл бўлди,
Кўрганим сап-сариқ чўл бўлди,
Кўз ёшим саҳрода кўл бўлди
Олисдан сизни деб келаман,
Мен ўлсам, соғиниб ўламан.

Оққизлар сочини юлади,
Оҳ, қора ботирлар қулади,
Бу куни паймонам тўлади,
Олисдан сизни деб келаман,
Мен ўлсам, соғиниб ўламан.

Айрилиқ тугамас он бўлди,
Бу кўксим қоп-қора қон бўлди,
Кўрганлар бу ҳолда лол бўлди,
Олисдан сизни деб келаман,
Мен ўлсам соғиниб ўламан.

Ҳижроннинг дастидан минг ёна,
Дилбарнинг қонидан фарзона,
Лолазор бўладир Фарғона,
Олисдан сизни деб келаман,
Мен ўлсам, бир кўриб ўламан.

Ҳулволар атрини соғинганман мен,
Шоирнинг сатрини соғинганман мен,
Севгилим хатларин соғинганман мен,
Ғийбат бозорига менда замон йўқ.

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ЗИЁРАТГОҲИДА

Ташқарида қолган фисқу-фужурлар,
Дуолар ўқилур бунда ботиниб.
Ёнларида бўшаб қолган хўржунлар,
Сиғинганда кўринг аёл зотини.

Кўзларида тўла армонлари бор,
Ерни упаётган гўзал аёлнинг
Давоси йўқ дарди, оҳ-зорлари бор,
Ялангоёқ юрган ўшал аёлнинг.

Бунда баробардир хоҳ кекса, хоҳ ёш,
Ҳамманинг дилида дарду-фироғи.
Ҳатто тўхтаб қолар кўкдаги қуёш.
Тирноққа зор аёл берса сўроғин.

Умрлик хатога оҳлар уради,
Шу бугун сўралиб гуноҳи азм.
Ҳамма учун шифо излаб туради,
Фарзандларин дардин тоттан Хоразм.

***

Қалбим оппоқ қордай, уни янчиманг,
Исмимни унчалик қаттиқ ғажиманг,
Ҳеч ҳам боролмайман, мендан ранжиманг,
Ғийбат бозорига менда замон йўқ.

Қумрилар қу-қулаб турибди ахир,
Гулу чечаклар қулф урибди ахир,
Оҳулар тоғларда юрибди ахир,
Ғийбат бозорига менда замон йўқ.

Николай КРАСИЛНИКОВ

ХОТИРА

Оҳиста йиғлардинг тушингда, она,
Нечун бу?
Ё машъум жанг майдонида
Отам ўқдан учди қайта мардона,
Ҳаёти тўхтади ботиб қонида?..

О, қанча қанотли йил ўтди, аммо
Урушнинг дардлари қолди-ку абад.
Унга бу дунёда дори йўқ асло —
Ичса-ю
бу оғриқ қайтмаса минбаъд!

* * *

Кундуз ташвишлари қолиб орқада
Алвон булут шомни безагани чоғ,
Нимадандир оғир нолийди юрак,
Болалик соғинчи қуршайди шундоғ.
Дала.
Қудуқ билан ҳув терак — дуркун,
Малла ранг эчкилар утлайди лоқайд.
Черепица томдан бўралар тутун,
Мен бир пайтлар ўсган ҳовлида шу пайт
Нонинг таниш руҳи турипти ҳамон,
Ана, дастурхонда, олтин ранг шу дам!..
Тор сўқмоқдан отам келар уй томон,
У ҳали ҳам тирик...
Ёшдир ҳали ҳам!
Кичик укам бўлар ўт узра зоҳир,
Янги сут ичамиз шом чоғи бироқ.
Бешинчи қаватда яшайман.
Ҳозир
Бу ердан болалик ғоятда йироқ.

ҚУДУҚЛАР

Чуқур қудуқларни хушларди ёшлик,
Ғоҳо қоронғуга тикканингча кўз,
Қичқирсанг акс садо қайтар эди тик,
Ҳозир лабларингдан учган тирик сўз.
Бирда шодлик билан, бирда хўрсиниш —
Энг тубдан юлдузга етарди садо.
Саёз қудуқларни кўрмас эдим хуш —
Жавоб бермас эди улар мутлақо.

Русчадан Жонибек СУБҲОН таржимаси

СЕҲРНИНГ ТИЛСИМИ

Набижон Боқий, «Гулзамира», қисса «Шарқ юлдузи», 1994 йил, 1-2-сонлар

Қисса бахти эрта баҳор қуёшидай бир зум чарақлаб, андуҳли армонларга кумилиб кетган маъсума қизнинг қисмати ҳақида. Шунданми, «Гулзамира» ғамгин қушиқдай таассурот қолдиради.

Набижон Боқий ёзувчиликнинг «шумликлари»ни пухта эгаллаган: воқеалар тизимини охиригача маҳкам ушлайди, тафсилотлардан қочмайди, бироқ шиддатни сусайтирмайди, ишқ сурурини тақдирга итоат, орзу-ҳавасни ақидаларга тоат билан уйғун беради; мантиқ ёзувчини оқлаган.

Қисса бошланиб, «бир киши дадил қадам ташлаб, қўшоғиз милтиқни қувуридан чангаллаб олиб, судраб» келади. «Девордан ола мушук ҳатлаб ўтиб, ҳовлига» тушади, Замира томон қараб «Миёв!» дейди.

Шу зайл ёзувчи қисса воқеаларини тугунлайди: «Уртатўғай — далли дарёнинг ўртасида пайдо бўлган муъжаз орол»да нимадир рўй бериши тайин.

«Милтиқли киши». Кутилмаганда Замиранинг сокин утаётган оддий кунларига кутилган меҳмон аралашади. Ола мушук белги беради: хитобли миёвлайди. Бехосият!..

Ҳа, анъанага кўра шундай, гулхан аланга олади ва ёниб ундан кул қолади. Бироқ ёзувчи тугунни ечимга қистамайди; инқилоб деб аталган аёвсиз ёнғин ичида қолган Туркистонни тарк этган қавмнинг чегарада тутган маскани — тўқайзор орол. Ҳаммаси шу ерда бошланиб, шу ерда барҳам топади. Уйда, хаёлда инқилоб оловида қоврилиб ётган Туркистон, шаҳид кетган мардлар, интизор қабрлар, кўнгилда алам, умид яратгандан. Қолганлари — ороддагилар: намозхон чолу кампирлар, Замира, унга хуштор Олимбой. Уларга келиб қўшилган Мустафо— бу ғалати образ.

Набижон Боқий кучи етганича ҳикоя йўсинида холис турган. Реалистик тасвирни танлаганда бу жуда муҳим. Инқилобни, оқлар ё қизилларни орага суқмаган, ким ҳақ, ким ноҳақ ҳакамликка берилмаган. Гарчи муносабатини беркитишга уриниб қўргани баъзи бир нуқталарда сезилиб турса-да. Муаллиф дунё кезган, Петергофда таълим олган Мустафога ён босмайди. Мустафо ватанпарвар, ўзича ватанпарвар. Чунки у қочиб, оролга қуролини судраб келди. Мустафо «милтиғлик киши», маслагидан қатъий назар милтиқли. Муаллиф муҳокама қилмайди, бироқ ҳукми мантиқли.

Тақриз

Замира-чи? Ёзувчи уни ёлғиз кўрсатганда хийла чуқур тасвирлайди. Замирага эслатиб туришади: «Мустафонинг хасми бўлсан — Тошхўжа пиримиз оқ фотиҳа бериб кетганлар, унаштирганлар, у пайтлари сен сочингга толпопук тақиб юрардинг...». Ёлғиз қолганда Замира Қуёш нурига тоб беролмаган гунчадай эгилади. Муаллиф шоирона тасвирлайди буни: Замира ўзи сўраб Унинг номидан ўзи жавоб беради, ботинидаги сир сиртга тошади, хаёлида кечган суҳбатдан, хаёлидан уялади, кафтлари терлаб кетади... Умуман, Замира образи Набижон Боқийнинг имкониятларини кўрсатиб турибди. Замира муштипар, ортидан соядек эргашиб юрган Олимбойнинг ҳиргойисини эшитиб жилмаяди, ғурурини тизгинлайди. Олимбой яхши кўришига ишонади. Мулоҳаза қилади, исён қилмайди, эркинимас ихтиёрини падарига топширади. Мустафога хотинликка қўнади, тақдирга тан беради.

Мен мулоҳаза қилиб кўрдим. Эски қолипларга солиб бўлмайди.

Бу образ пассив, актив ёки тақдирга муте ё қўли билан тақдир яратган каби аниқловчи, белгиловчи мезонларга тўғри келмайди. Назаримда, ёзувчи ишонтира олдими, энг тўғри мезон шу. Ёлғон, тўқилган, уйдирма, мантиққа ётмайдиган нарсага ҳам ишонтириш мумкин. Ишонилса, демак ўша ёлғонда, ўша мантиқсизликда сеҳр бор; агар бу сеҳр бадиий асарда бўлса, ҳақиқат ва чўнг мантиқ ҳам шундадир. Гап маҳоратда, санъаткорликда — сеҳрнинг тилсими шу.

Замира — бу Набижон Боқийнинг тушуниш усули. Миллий урф-одатларни, миллий характерни эмас, ёзувчининг билиш, англаш — тушуниш усулини айтмоқчиман. Муаллифнинг тушуниш тарзи шунақа, шунақасини маъқул кўради, тўғри деб биладди. Тақдирни қаҳрамондан устун қўяди. Ола мушукни кимдир қудуққа ташлаб юбормайди, ўзи тушиб кетиб улади. Мустафони қизиллар эмас, муҳаббат кўзини кўр қилган Олимбой отиб ташлайди, Олимбой кейин ўзини ҳам отиб ташлайди. Ўйлаб қаралса, тасодифдай. Бироқ инқилоб оловидан сачраган чўг тўқайзор оролга ҳам тушганини пайқаш мумкин ва бунда мантиқ бор. Буни ёзувчи билдирмасликка ҳаракат қилади. Тақдир тасодифлар силсиласи эмас, тақдир бошқа, инсон иродасидан ташқаридаги ҳодиса. Муаллиф шундай тушуниб, тақдирга шундай ишонч билан қарайди. Ишончининг самимийлиги ва ростлиги унинг сўзига шукуҳ бағишлайди.

Ҳамма гап қиссанинг тилида. Бизда йилда ўн-ўн беш рўмон ёзилган пайтлар бўлди, ҳозир кўпи ўқилмайди. «Тили ғализ экан», «тили чучмал», «тумтоқ» деймиз. Бадиий асар тили ғализ бўлса таҳрир билан ўнгланмайди, мақола бошқа гап. Чунки тил восита эмас, санъаткор руҳиятининг меҳнати, фикрни юзага келтирадиган, фикр яратадиган куч.

Бир уринда Оролга энди қадам босган Мустафони Замира назарида кузатамиз: Мустафо — «бир киши», «кимса», «нотаниш киши», яна «кимса», «милтиқли киши». Биз Замиранинг қуриб, кўнглидан кечирганини сезиб турамиз. Соҳилда пайдо бўлган нотаниш кимсанинг Замира ботинидаги хиёл жонланган қиёфасини кўрамиз. Адлақандай нохушлик, ҳам дилгир қизиқувчанлик ва яна хавотир бор Замиранинг қарашида... Парча шундай якунланади: «У (Мустафо — А.О) танлаган суқмоқ тўппа-тўғри Юсуф чолнинг кулбасига, ўндан нарилаги мачитга элтиб қўярди». Нотаниш киши қаергача бориши мумкин — бу Замира идрокида кечаётир ва айни дамда «У танлаган суқмоқ» («бораётган», «кетаётган», «юраётган» эмас, айнан «танлаган») билан муаллиф даромади гап қилади, яъни ўқувчига ишора қилиб қўяди.

Набижон Боқий бу ва бошқа ўринларда аниқ мўлжалланган мақсад сари элтувчи фавқулодда яхлит поэтик оҳангни топган, уни сақлаган. Қисса матнида оддий, содда, ҳар куни юзлаб-минглаб марта қўлланадиган сўз, иборалар кўп келади. Чунки Замира яшаб турган муҳит, шароит оддий, икир-чикирларга тўла, фақир ва якранг. Сўз, иборалар одмилашган, жўнлашгани, вазият танглашгани сайин шу фақир шароитнинг фожиаси кучайиб кўринади, жозибали тус олади. Умуман, «Гулзамира»нинг тили равон, чунки қисса тили муаллиф мана шундай тушунади, шундай ўйлайди, ҳаётни шунақа қабул қилади, деб турибди.

Бу ёзувчининг шаклланаётган услубидан далолатдир.

Яна қиссанинг бир-икки жойида баъзи чекинишлар учрайди. Бундай ўринларда муаллиф қаҳрамонига рол бажартираётгандай туюлади. Негадир «Чингиз оғанинг ити», «соҳил бўйлаб юғуриб юради», бехосдан айрим шоирларнинг сатрлари орага тушади. Буларнинг ҳожати бормиди, деб ўйлайсиз. Ўқимишли китобхон ўша итни танир, балки тирноққа олинган шеър сатрларини билар, бироқ булар қиссадаги умумий оҳангга уйғунлашмаган, қаҳрамонлар онги, фикрлаш тарзи, шароит, муҳитга сингишмаган. Қисса охиридаги хотима таскин беради, бироқ асардан олинган таассуротни бироз торайтиради.

«Гулзамира» ҳажман ихчам қисса, ёзилаётган янги достондан олиб қўйилган қўшиқдай. Бу машқи Набижон Боқийнинг бутун бир достон қўйлашга овоз ростлаётганидан хабар беради.

Аҳмад ОТАБОЙ

Маҳмуджон НУРМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

МАЪНАВИЯТ ЧАМАНЗОРИ

Узбекистон миллий мустақилликни мустаҳкамлаш даврининг янги босқичига ўтди. Бу босқичда ҳал қилиниши лозим булган вазифалардан бири миллий маънавият ва миллий мафкурани қарор топтириш, уларни такомиллаштириш ва ривожлантиришдир. Ана шу вазифани муваффақиятли уддалаш учун босиб ўтилган тарихий даврни илмий таҳлил этиш, унинг ижобий мазмунини белгилаш, шу аснода аҳлоқий ва эстетик мезонларни ҳам назарда тутиш ҳаёт тақозосидир. Бу хусусда Президент И. Каримов «Ижобий ишларимизни охиригача етказайлик» сарлавҳали маърузасида муҳим хулосани ўртага ташлади: «... бугун босиб ўтган йўлимизга холисона назар ташлаш, уни даврнинг асосий хусусиятлари нуқтаи назаридан идрок этиб баҳолаш зарур, деб ҳисоблайман. Баҳолаганда ҳам, шунчаки расмий кўз билан эмас, балки инсонийлик нуқтаи назаридан тўғри ва ҳалол баҳо бериш лозим». Кўриниб турибдики, юртбошимиз умуман миллий маънавият ва мафкура муаммоларини қўйиш билан чекланмаяпти, балки уларни ҳал этишнинг аниқ мезонларини ҳам белгилаб бераётир. Инсонийлик, тўғрилик ва ҳалоллик эса этика илмининг категорияларидир.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда миллий маънавиятни такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичига хос ижтимоий тамойиллардан бири шундаки, маънавият, мафкура, фалсафа, иқтисодиёт, социология, аҳлоқнома (этика) ва нафосатнома (эстетика) соҳалари бирваракайига ёнма-ён жонлана бошлади. Президентимиз нутқлари, маърузалари ва рисолалари бу умумий жараёнда етакчи мафкуравий омил бўлмоқда. Бу нутқлар ва рисолаларда сиёсий, фалсафий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ғоялар билан бир қаторда аҳлоқий ва эстетик тушунчалар, фикр-мулоҳазалар, қарашлар ҳам ўзига хос ифодасини топган. Зеро, «миллат» деб аталишга ҳақли ҳар қандай халқнинг маънавияти ва мафкурасини аҳлоқ ҳамда аҳлоқшуносликсиз, нафосат ва нафосатшуносликсиз тасаввур ҳам этиб бўлмайди.

Юртбошимиз «Останкино» мухбири билан суҳбатда «Дунени эзгулик ва ғўзаллик қутқаради» деган муҳим ва ибратли ғояни ўртага ташлаган, бу билан халқ руҳига ва ҳар бир инсонга ниҳоятда ардоқли бўлган аҳлоқий ва эстетик қадриятларни ҳам назарда тутганди. Бинобарин, эзгулик этика фанининг марказий категорияларидан бири бўлса, гўзаллик эстетика назариясининг асосий тушунчаларидандир.

Ислом Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган маърузасида эстетик қадриятларга алоҳида эътибор берди ҳамда эстетик фазилатлар Узбекистон халқларининг тарихи ва турмуш тарзида устивор эканлигини ифтихор билан бутун дунёга эълон қилиб: «Маънавий, илмий ва эстетик қадриятлар халқимизнинг турмуш тарзида, анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган», деди. Ўртага ташланган бу маънавият концепцияси этика ва эстетика фанлари билан ҳамнафас эканлиги биз учун ғоятда ардоқлидир.

Юртбошимиз 1995 йил 23 февралда Узбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» хусусидаги маърузасида ҳам миллий маънавият ва мафкура, маънавий баркамоллик ва миллий тарбия, эркин ижодий фаолият ва назарий ижод, эстетик ва бадиий қадриятлар, хусусан, санъат ва адабиёт муаммоларига тўхталиб, улуғ давлат ва буюк миллат тараққиёти маънавий баркамолликка боғлиқлигини таъкидлади: «Тараққиёт тақдирини, — деди Ислом Каримов, — маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак».

Модомики, шундай экан, маънавият нима? Менинг назаримда, маънавият, жамият ва миллатнинг онгида ва қалбида мужассамлашадиган ақлий, фалсафий, эстетик, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, руҳий, бадиий туйғулар, тасаввурлар, фикр-мулоҳазалар, тушунчалар, ғоялар, ақидалар, қарашлар мажмуидир. Маънавият ҳақиқий ва хаёлий, ҳаётий ва афсонавий, шахсий ва ижтимоий, амалий, назарий ва бадиий, миллий ва умумбашарий, хусусий ва муштарак белгилар, хусусиятлар, омиллар ва тамойиллардан таркиб топади. Онглилик ва фикрийлик, руҳийлик ва ақлийлик, қўпқирралилик ва ранг-баранглик, қамровдорлик ва чексизлик, аниқлик ва мавҳумлик, миллийлик ва тарихийлик маънавиятнинг муштарак ижтимоий хусусиятларидир.

Маълумки, инсон фаолиятининг уч асосий соҳаси бор: моддий-иқтисодий фаолият, ижтимоий-сиёсий фаолият ва маънавий фаолият. Техника, уй-жой, озиқ-овқат, кийим-кечак, турмуш жиҳозлари ва буюмлар моддий соҳани ташкил этади. Жамиятни идора этиш, эркинлик, адолат, тенглик, жамоат тартиби ва хавфсизлик каби воқеа-ҳодисаларни ижтимоий-сиёсий соҳа ўзига қамраб олади. Маълумот бериш, таълим-тарбия, фалсафа, дин, ҳуқуқ, ахлоқ, этика, эстетика, санъат ва адабиёт сингари ҳодисалар эса маънавий фаолият самарасидир. Қисқаси, маънавий фаолият ва маънавий равнақ жамият ва миллат ҳаётининг ҳал қилувчи ва ажралмас жабҳаларидир. Бу жабҳалар нисбий мустақил характерга эга бўлган қудратли омилдир. Уларнинг фаол иштирокисиз келажак нарида турсин, ҳатто, бугунги кунни ҳам тасаввур этиш мушкул.

Маънавият ниҳоятда қамровли ва кўп қиррали ижтимоий жараёндир. У миллий мафкурани ҳам қамраб олади. Миллатлар ва миллий муносабатлар мавжуд бўлган шароитда маънавият миллий аҳамият касб этади. Яъни миллий ўзига хослик, миллий характер, миллий шакл, миллий анъаналар, миллий маънавиятнинг аниқ ва ҳаққоний халқона қиёфасидир.

Фалсафий жиҳатдан маънавият моддият ёки моддийлик, яъни жисмониятнинг ёки вужудиятнинг сингари тушунчаларга нисбатдош тушунчадир. Ижтимоий ҳаёт, жумладан, ҳар қандай миллат турмуши маънавият билан моддиятнинг ёки жисмониятнинг узвий яхлитлиги сифатида қарор топади. Булардан бирортаси етишмаса, жамиятнинг, миллатнинг, инсоннинг ҳаётида кемтиклик, ногиронлик ва мажруҳлик содир бўлади. Президентимиз «Элни сийлаганни эл сийлайди» сарлавҳали нутқида моддий неъматларни ҳам, маънавий бойликларни ҳам халқ яратишини таъкидлади. Фикр-мулоҳазаларини давом эттириб, мустақиллик фақат нон билан чой эмаслигини, у, аввало, маънавий, яъни одамни одам қиладиган, миллатни миллат қиладиган тушунча эканлигини баён этди.

Таниқли болгар файласуфи Тодор Павлов ўзининг машҳур «Инъикос назарияси» номли фалсафий асарида ғоя ва нон (маънавият ва моддият) муаммоси хусусида шундай деб ёзган эди: «Нонсиз ғоя — бу фақат орзу-умиддир, хаёлотдир, суст-кашлиқлир, таназзулдир. Ҳеч қандай, ғояларсиз фақат нон-нинг ўзи эса, вайсақилик ва таназзуллик учун яхши замин яратадиган суқир амалиётчиликдир, ўзбошимча исёнкорликдир, истиқболнинг йўқлигидир... Ғоя учун нон ва нон учун ғоя — нонни ҳам, ғояни ҳам инсоний тараққиёт ва инсоний маданиятнинг қудратли омилига айлантирадиган уйғунлик мана шундан иборатдир».

Шуниси диққатга сазоворки, материалист Т. Павлов ҳар ҳолда, нонни ғоядан олдинга қўяди, Президент И. Каримов эса, аввало маънавиятни, яъни маънавий мустақилликни нону чойдан юқори қўяди. Бу ғоя бизнинг бугунги миллий, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, эстетик, ахлоқий тараққиётимизнинг тўғри ва ҳаққоний инъикосидир. Маънавият ёки моддиятдан қайси бирини бирламчи, деб ҳисоблашимизга қараб, миллий маънавий ҳаётдаги уйғунлик силсиласи ўзгармайди. Маънавият жамият ва миллат ҳаётининг моҳиятли ва зарурий омили эканлиги биз уни эътироф этиш-этмаслигимизга, моддият қаршисида уни бирламчи ёки иккиламчи деб, талқин қилишимизга боғлиқ эмас. Лекин маънавият тараққиёти уни таҳлил этишимиз ёки этмаслигимизга, уни эъзозлашимизга ёки эъзозламаслигимизга, унга бепарво ёки камситиб қарашимизга ёхуд жон куйдириб уни қўллаб-қувватлашимизга боғлиқдир. Зеро, жамиятки бор — маънавият бўлади, миллат борки, миллий маънавият бўлади. Маънавияти йўқ жамият ҳам, миллат ҳам ўзлигини йўқотади.

Бугунги миллий маънавият кўп қиррали ва ранг-баранг шаклдар, кўринишлар, омиллар ва тамойилларни қамраб олади. Аммо улардан бирортаси ҳам, ҳатто, сиёсий, диний ёхуд ҳуқуқий қарашлар ҳам маънавиятга тенг бўла олмайди. Улар биргаликда ва ўзаро узвий яхлит ҳолатдагина миллий маънавиятни ташкил қилади. Афсуски, ҳозирги пайтда фақат бирор санъат турининг ўзини, масалан, фақат бадиий адабиётни миллий маънавиятга тенг тушунча сифатида талқин этиш ҳоллари учраб турибди. Чўлпоннинг «Адабиёт надир» мақоласидаги бир фикрни келтирайлик: «Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиёти ўлмагон ва адабиётининг тараққийсига чалишмаган адиблар етиштирмагон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум бўлиб, секин-аста инқироз бўлур. Муни инкор қилиб бўлмас. Инкор қилғон миллат ўзини инқирозда эканини билдирур».

Чўлпоннинг бу фикри назарий, фалсафий, эстетик жиҳатлардан баркамоллик даъво этолмайди. Адибнинг ўз таъбири билан айтганда, бу баҳсли хулосасини у «фикрлар чочилиб, ақллар паришон бўлиб кетган» бир кайфиятда ёзиб қолдирган. Бу хулосанинг баҳсли эканлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, халқимизнинг Амир Темур ва Алишер Навоий давридаги маънавияти ранг-баранглиги ва кўп қирралилиги ҳам, бундан 150-200 йил муқаддам Овруполе фалсафаси ва эстетикасидаги шу ҳақда билдирилган тўғри илмий қарашлар ҳам назардан қочирилган. Миллий маънавиятимизнинг олтин даври бўлган XIV-XV асрларда фақат адабиёт эмас, балки меъморчилик, мусиқа, миниатюра, хаттотлик, хонандалик, халқ амалий санъати сингари бадиий фаолият турлари ҳам ривожланган эди. Ўша даврда ҳам миллат ҳаёти ва улуғвор ҳамда бой миллий санъат турларининг қисмати фақат адабиётгагина боғлиқ бўлмаган. Шартли равишда «Адабиётнинг улимини» бир лаҳза тасаввур қилиб кўрайлик. Шундай бўлган тақдирда ҳам, халқ, миллат яшайверади! Зеро, миллат ҳаётини адабиёт ёки бирор бошқа асосий санъат тури белгилаб беролмайди. Аксинча, миллий адабиёт ва санъатнинг умри, истиқболлари, тақдири миллатга боғлиқдир. Моддиятчилик маъносида адабиётни миллат, халқ, ундан чиққан истеъдодлар яратади, адабиёт халқни яратмайди. Маънавиятчилик маъносида миллатнинг равнақи ҳам, миллий адабиёт ва санъатнинг истиқболлари ҳам, янги бадиий мутафаккирларнинг туғилиши ҳам қудрати илоҳийга (Имом Ғаззолий, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий) ёки мутлақий руҳга (Ҳегел) боғлиқдир.

Илмий, назарий маънода бадиий адабиёт ҳозирги замонда мавжуд бўлиб, тараққий этаётган 14 та бадиий ижод ва санъат турининг бир асосий туридир, холос. Санъатнинг биргина асосий турини, яъни бадиий адабиётни унинг қолган ҳамма турларига тенг ,омил ёки устун англаб, уни умуман «маънавият» сифатида талқин этган адиб назарий таълимотлари, фалсафани, эстетикани, бадиий ижод назариясини хийлагина кам ўзлаштирган бўлиши лозим эди.

Ҳаётий, амалий маънода ҳам, «Адабиёт яшаса — миллат яшар» деган хулоса тўғри эмас. Узбек адабиётининг асосчиси ва буюк даҳоси Алишер Навоий V ёки VII асрда эмас, XV асрда яшаб, ижод этганлигининг объектив сабаби миллатнинг тарихий тараққиёт даражоти ва миллий давлатчилик ҳолати билан белгиланади. Бошқачароқ айтсак, аввало соҳибқирон Амир Темурнинг туркий давлати барпо бўлди, кейин эса Ҳазрат Навоий таваллуд топди, яъни муайян даражада таркиб топган ва тараққий этган миллат ва миллий давлатчилик миллий адабиётни яратувчи буюк ижодкорни бунёд этди.

Мафкура миллий маънавиятнинг бир таркибий қисми, унинг назарий шаклидир. Маънавият билан мафкура ўртасидаги тафовутлар қуйидагилардир. Биринчидан, маънавият қамровли, кенг тушунча бўлиб, мафкурани ҳам ўз ичига олади, яъни мафкура маънавиятга нисбатан тор тушунчадир. Иккинчидан, маънавият ҳам ижтимоий онг шаклларида (ахлоқ, ҳуқуқ, дин ва ҳоказо), ҳам назария шаклларида (фалсафа, илоҳиёт, нафосатнома, ахлоқнома, давлат ва ҳуқуқ назарияси ва ҳоказо) ва ҳам бадиийт шаклларида (мусиқа, тасвирий санъат, телевидение, кино, театр, рақс, бадиий адабиёт ва ҳоказо) мавжуд бўлиши мумкин. Аммо миллий мафкура асосан назарий шаклларда ривож топади. Учинчидан, маънавият мафкуранинг руҳий негизи бўлса, мафкура маънавиятнинг назарий асосидир. Тўртинчидан, бадиийт, санъат турлари ва жанрлари бадиий ижоднинг маҳсули бўлса, мафкура назарий ижод самарасидир. Фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов тўғри таъкидлаганидек, мафкура назарий фаолият маҳсулидир. Сирасини айтганда, назарий характер, илмий-назарий шакл мафкуранинг асосий ва ажралмас фазилатларидир. Бешинчидан, маънавиятнинг бошқа турлари ва кўринишлари табиий, ижтимоий илоҳий воқеа-ҳодисаларни ифодалайди, мафкура эса маънавият турлари ва кўринишларини илмий-назарий усуллар ва шаклларда таҳлил ва тадқиқ этади. Чунончи, фалсафа фалсафий онг ва фалсафий қонунларни, эстетика нафосатдор онг ва эстетик қарашларни, этика эса ахлоқий онг, ахлоқий қарашларни ва ахлоқий тараққиёт қонунларини таҳлилу тадқиқ қилади. Хуллас, миллий мафкура деганда, бирор санъат тури ёки бадиий адабиёт, бирор ижтимоий онг шакли эмас, балки назарий фаолиятнинг илмий-маънавий самараси бўлмиш ижтимоий таълимотлар тушунилади. Демак, фалсафа, сиёсатшунослик назарияси, давлат ва ҳуқуқ назарияси, эстетика ёки нафосатнома, этика ёки ахлоқий таълимот, иқтисодий назария, қадриятлар ёки қимматлар назарияси (аксиология), эвристика ёки ижодиёт назарияси сингари ижтимоий назариялар ҳозирги ижтимоий-миллий мафкуранинг кўринишлари, шаклларидир. Ижтимоий-назарий таълимотлар миллий маънавият ривожининг илмий асосларидир. Шу боис Президентимиз миллий мафкура масаласига жуда катта эътибор бермоқда. Конституциямизнинг бир йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузасида бу хусусда шундай деганди: «... мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалда тадбиқ этмасдан туриб, Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимизга қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади. Янги мафкуранинг асл мазмуни янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо ҳоли, мустақил инсонни тарбиялашдир».

Баркамол инсонни этикасиз ва ахлоқий тарбиясиз, айни чоғда эстетикасиз ва эстетик тарбиясиз амалга ошириш аримаҳолдир. Миллий-ахлоқий фазилатларсиз ва миллий-эстетик сифатларсиз инсонни комил инсон ҳисоблаб бўлмайди. Ахлоқ, ҳуқуқ, мафкура, фалсафа, дин, этика, эстетика, санъат ва адабиёт эса миллий маънавият чаманзоридир.



Ҳангома давом этади...

(Суратда: Асқад Мухтор, Мамажон Раҳмонов, Комил Яшин)

ЯНГИ АСАР МУҲОКАМАСИ

Мустақиллик шарофати билан ўзлигимизни англашга, улуғ бобокалонларимиз ҳаётини ўрганишга қизиқиш тобора кучаймоқда. Шоир, драматург ва адиб Эркин Самандарнинг янги «Тангри қудуғи» тарихий романида ҳам тарихимизнинг деярли ўрганилмаган бир даври — Абулғози Баҳодирхон, унинг ога-инилари, отаси Арабмуҳаммадхон ҳукм сурган йиллар воқеалари қаламга олинган.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгашида ушбу роман муҳокамаси бўлди. Унда сўзга чиққан Мирмуқосин, О. Ёқубов, Ж. Камол, О. Мухтор, А. Иброҳимов, А. Самад, Р. Раупов, Б. Шарипов, Р. Отаев, С. Вафо ва М. Салом асарнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр юритдилар, уз мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Муҳокамада муаллиф фикр ва мулоҳазалар учун миннатдорчилик билдириб, асар устидаги ижодий ишни давом эттираётганини айтди.

Муҳаммад САЛОМ

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Абдумажид Азимовга отаси

Абдуллахон АЗИМ ўғли

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Ғулом Фатҳиддинга отаси

Иброҳим ФАТҲИДДИН ўғли

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИЛМДА ДЕНГИЗ ЯРАТГАН АЛЛОМА

Атоқли олим Убайдулла КАРИМОВ 75 ёшга тўлди

1944 йилнинг октябр ойи. Тошкент марказидаги Инқилоб хиёбони (ҳозирги Амир Темур майдони)да жойлашган Урта Осиё Давлат университетида Шарқ факултети очилди. Кўплар қатори мен ҳам шу факултетнинг биринчи курсида таҳсил ола бошладим. Гуруҳимизда баланд бўйли, сариқдан келган, бизлардан 5-6 ёш катта бир йигит уқир эди. Унинг бошида эскирган телпак, устида уринган шинел, оёғида ҳарбий ботинка бўларди. Зеро, ушанда уруш вақти эди, талабалар нима топса, шуни киярдилар.

Дарсликлар, ўқув қўлланмалари йўқ эди. Араб тилидан барон Гиргас тузган кичик бир мажмуа асосий китобимиз ҳисобланарди. У ҳам бутун гуруҳ учун яккаю ягона эди. Бир сафар араб тили ўқитувчимиз Содиқ Мирзаев: «Шу китобдан ҳар бир талаба ўзи учун бир нусха кўчириб олсин», — деб буюрдилар. Эртаси куни соат 12да ҳаммамиз йигилиб, нусха кўчирадиган бўлдик. Мен айтилган вақтда етиб келиб, хонага кирсам, ўша катта ёшли оғамиздан бўлак ҳеч ким йўқ. Мен унинг исм-шарифи Убайдулла Каримов эканлигини билардим. Лекин ўзи билан бирон марта ҳам мулоқотда бўлмагандим. Шунданми, аввал бошда суҳбатимиз унчалик қовушмади.

Бошқа ҳеч ким келмагач, иккаламиз мажмуадан кўчириб ёзишга киришдик. Аввал Убайдулла ака баланд овоз билан бир жумлани ўқийди, кейин иккаламиз ўз дафтаримизга ўша жумлани ёзамиз. Шу тарзда икки соатча ўтирибмиз, анча матнни кўчириб олдик. Иккинчи куни ҳам ишни бирга давом эттирдик, китобни охиригача кўчириб тугалладик. Убайдулла ака, ёши катта ва билими ҳаммамизникидан ортиқ бўлса ҳам, ўзини жуда камтар тутарди. Агар биз бирор ножўя иш ёки гап қилсак, ҳеч қачон танбеҳ бермас, аммо бошқача бир йўл билан бу қилиқни такрорламаслик йўлини кўрсатарди.

1948 йили Тошкент шаҳар талабаларининг илмий анжумани бўлди. Адабиёт секциясида Убайдулла Каримов «Абу Али ибн Сино ва унинг ижодий мероси» деган мавзуда маъруза қилди. Унда улуғ Шарқ қомусчи олими шайхурраис Абу Али ибн Синонинг ҳаёт йўли, унинг «Қонун», «Шифо», «Донишнома» ва бошқа асарлари тўғрисидаги маълумот жамланган эди. У вақтларда бундай маълумотлар кам бўлиб, тор доираларгагина маълум эди. Шу боис маърузадаги илмий далилларнинг кўпи тингловчилар учун янгилик бўлгани ажабланарли эмас. Айни чоғда маърузачининг аниқ фанлар тўғрисидаги бой тасаввури, араб, форс тилларида битилган қомусий асарлардан ҳам хабардорлиги, улардан ўринли фойдаланганги яққол сезилиб турарди. Шунга кўра, маъруза биринчи мукофотга сазовор бўлди.

Убайдулла Каримов 1920 йилда Тошкентнинг Лабзак даҳасида туғилган. Оталари Исроилжон ака темирчилик билан шуғулланган. Убайдулла ака оилада тўртинчи фарзанд бўлган. Тошкент Индустриал институтининг мой технологияси факултетини битирган йили уруш бошланди. Оиладан уч ўғил фронтга кетади. Улардан иккиси — Убайдулла ака ва Ҳалил ака қайтди. Катталари Назиржон ака эса фронтда ҳалок бўлади. Убайдулла ака 1942 йили Индустриал институт аспирантурасида таҳсилни давом эттиради. 1944 йили Урта Осиё Давлат университетида Шарқ факултети очилгач, аспирантурани таплаб шу факултетга ўқишга киради. Олий маълумотли талаба гуруҳда энг пешқадам, ёш курсдошларига шафиқ-меҳрибон эди.

1949 йили Убайдулла Каримов ҳам дорилфунунни битирди, ҳам Шарқ қўлёзмалари институти аспирантурасининг биринчи ўқиш йилини якунлади. Унинг факултетни битириш олдидан ёзган диплом иши «Урта аср Шарқида илмлар классификацияси» деб номланган. Унда Урта аср да Шарқ мамлакатларида ривож топган қомуслар, шу давр олимлари билимнинг барча соҳаларига оид тадқиқ ишлари олиб борганликлари ҳамда Урта аср Шарқида риёзиёт, кимё, астрономия, тиб илми, ҳандаса ва бошқа аниқ фанлар тараққиёти тўғрисида сўз боради.

1950 йил. Ёзнинг иссиқ кунларидан бири. Институт ходимларининг ҳаммаси катта залда ўз фикр дарёсига ғарқ бўлиб ишламоқда. Мен «Чиҳл ҳадис»ни илмий таъриф қилмоқдаман. Бир маҳал Убайдулла ака менинг ёнимда пайдо бўлдилар. Қўлларида бир қўлёзма, ўзлари қаттиқ ҳаяжонда. Китобни менга кўрсатиб, сўз бошладилар:

— Мана бўнга қаранг: Абу Бакр ар-Розийнинг китоби. Аммо у ҳеч кимга маълум эмас эди. Ҳатто илм аҳли Розий бундай китоб ёзган эмас, деб ҳисоблаган. Ваҳоланки, бизнинг институтда шу асарнинг қўлёзмаси бор экан.

Кейин менга масаланинг моҳиятини тушунтира бошладилар:

— Немис олими Руска машҳур Шарқ табиби ва олими ар-Розийнинг асарларини чуқур ўрганган. Айниқса, «Китобул асрор» («Сирлар китоби»)ни яхши таҳлил этган. Аммо ар-Розий асарлари орасида «Сиррул асрор»нинг сарлавҳасини кўриб, уни хато бўлса керак, яъни Розий «Китобул асрор»дан бошқа «Сиррул асрор» китобини ёзмаган деб ҳисоблаган. Барча бу хулосага ишонган. Мана, энди ўша асар қўлёзмаси бизнинг институтдан чиқиб турибди.

Шу пайт залга қўлтиқтаёқларини тақиллатиб машҳур арабшунос олим М. Сале кириб келди. У Убайдулла ака билан бироз гаплашиб, бирдан ҳаяжонга тушди. Сунгра ихковлашиб институт директори С. Азимжонова ҳузурига кириб кетишди.

Кўп ўтмай институт ходимлари Убайдулла Каримов муҳим бир қўлёзмани топганлигидан огоҳ бўлдилар. Бу ҳақда Ленинградга машҳур арабшунос олим И. Крачковскийга телеграмма жўнатилди. Бир неча кундан сўнг жавоб телеграммаси келди. Унда И. Крачковский У. Каримовни ва бутун мамлакат фанини улкан ютуқ билан табриклаган, қимматли топилмани тезда илмий истифодага киритиш лозимлигини таъкидлаган эди. Шундан сўнг ёш олим асар устида кеча-кундуз қунт билан ишлай бошлади.

Абу Бакр ар-Розий «Сиррул асрор»нинг бухоролик шогирди Абу Муҳаммад ибн Юнус учун ёзган асари «Китобул асрор»га қўшимча эканини айтади.

Китоб тўққиз бобдан иборат. Уларда симобни қаттиқ ҳолга келтириш, олтиннинг миқдорини ошириш, сариқ мисни буяб олтинсимон ранг бериш усуллари ва ҳоказолар кўрсатиб ўтилган. Металларни асл ҳолига қайтаришга оид жараёнлар қайд этилган, назарий фикрлар ҳам баён қилинган.

Убайдулла Каримов «Сиррул асрор»ни таҳлил этиб, Абу Бакр ар-Розий том маънода кимёгар олим эканлигини исботлаб берди. Шу мақсадда икки йил тинмай меҳнат қилди. Ниҳоят, 1952 йили «Сиррул асрор»нинг рус тилига таржимасини тугаллади. Унга изоҳлар тузди, илмий аппарат билан таъминлади. Ўша йили март ойида Ленинград Давлат университетининг Шарқ факултети илмий кенгашида «Ар-Розийнинг «Сирлар сири китоби» деган номаълум асари» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Диссертация 1957 йили Тошкентда УзФА нашриёти томонидан китоб ҳолида чоп қилинди.

1953 йил охири, 1954 йил бошлари. Бир куни институт директори С. Азимжонова менга Абу Али ибн Синонинг «Ал-қонун фиттиб» китобини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилишда иштирок этишимни таклиф қилди. Мақсадга эришиш учун тўрт гуруҳ тузилиб, бир катта ёшли олимга бир ёш мутахассис беркитилди: Содиқ Мирзаев домла билан Қувомиддин Мунировнинг, Абдуқодир Муродов домла билан Асомиддин Уринбоев, Абдуфаттоҳ Расулов домла билан мен ишлайдиган бўлдим. Тўртинчи гуруҳ эса танҳо Убайдулла Каримовнинг ўзлари.

У киши бу савобли ишни амалга оширишда бошқалар қатори жон қуйдирдилар. Китобнинг маълум бир қисмини араб тилидан ўзбекчага ўгирдилар. Бундан ташқари, қолган гуруҳлар таржималарини ҳам таҳрирдан ўтказдилар.

У. Каримов «Тиб қонунлари»нинг бешинчи китоби буйича бажарган катта илмий иш докторлик диссертацияси учун ярар эди. Аммо у киши бу тўғрида ўйламадилар. Ҳатто шу ҳақдаги таклифни ҳам рад қилдилар.

«Тиб қонунлари»нинг барча жилди 1951-1961 йиллар давомида ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, олти китоб ҳолида нашр этилиши илмий жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. 1963 йили бу таржималар давлатнинг олий мукофотига тавсия қилинди.

Ўша кезларда Убайдулла ака Абу Райҳон Беруний нинг «Сайдана» асари устида иш бошлаган эдилар. Ниҳоят, асарнинг рус тилига таржимаси битди. Олим унга муфассал изоҳлар тузиб чиққан эди. Қўлёзма 1000 саҳифадан ортиқ бўлди. У. Каримовнинг асар тўғрисида ёзган докторлик диссертацияси УзФА Шарқшунослик институти илмий кенгашида ёқловга қўйилди. Илмий кенгаш аъзолари уни юксак баҳоладилар. У. Каримовга филология фанлари доктори унвони берилди. Таржима 1973 йилда УзФА нашриёти томонидан босиб чиқарилди.

Убайдулла Каримов кейинчалик асарнинг қайта нашр этилишида ҳам, Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллигини нишонлаш буйича 1980-1981 йиллари ўтказилган тадбирларда ҳам фаол иштирок этдилар. Ҳукумат юбилей комиссиясининг ишларида қатнашиб, Ибн Синонинг Афшонада яратилаётган ёдгорлиги режаларини ишлаб чиқишда маслаҳатлар бериб турдилар.

Улуғ алломаларимиз илмий меросини тадқиқ этиш ишида эришган улкан ютуқлари учун Убайдулла Каримовга Абу Райҳон Беруний номидаги Узбекистон Давлат мукофоти берилди. У 1974 йили УзФА мухбир аъзоси этиб сайланди, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги олтин медалнинг биринчи соҳиби бўлди. УзФАнинг 50 йиллиги юбилейида Узбекистон Президенти Ислом Каримов олимга Бобур медалини топширар экан, илм аҳлига, унинг пешволаридан Убайдулла Каримовга ҳурмат кўрсатди ва миннатдорчилик билдирди.

Бу йил 75 баҳорни қаршилаган муҳтарам устоз Убайдулла Каримовга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ўзбек илм-фанини ривожлантириш йўлидаги изланишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Азиз ҚАЮМОВ

Олимжон САЛИМОВ:

УМИД ЧИРОҚЛАРИ ЎЧМАГАЙ

— Олимжон ака, аввало, Сизни ва ижодий жамоангизни «Навруз-95» республика театрлари фестивалининг Бош совринига сазовор бўлганингиз билан қутлаймиз. Бундан бўён ҳам омад ёр бўлсин. Айтинг-чи, «От йиғлаган томонда» спектаклининг яратилишига нима сабаб бўлди ва бу жараён қандай кечди?

— Спектаклга аввало таниқли адиб Тоғай Муроднинг қиссалари туртки бўлган. Ёзувчининг «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар» қиссаларини анча йиллар аввал ўқигандим. Ўша пайтдаёқ уларни саҳналаштириш иштиёқи туғилган эди. Лекин қиссаларнинг ёзилиш услуби уларнинг саҳна нусхасини яратиш имконини бермасди. Қарийб тўрт йил давомида «От кишнаган оқшом» қиссасининг 6—7 саҳна нусхасини тайёрладим. Тоғай Мурод билан узоқ суҳбатлар натижасида ҳозирги саҳналаштирган нусхаси тайёр бўлди. Унга ёзувчининг ҳар иккала қиссаси асос қилиб олинган.

Спектакл қаҳрамони Зиёдулла кутаётган фарзанд — унинг келажаги. У ўз келажагини катта умиддлар, иштиёқ ва меҳр билан кутади. Зиёдулла «Фарзандга яхши исм қўйиш керак, феъли ҳам исмига яраша бўлади», — деб ҳали туғилмаган фарзандига Хушвақт деб исм қўйиб олган. Лекин спектакл зиҳнхор-базиҳнхор фарзандсизлик, фарзанд доғи ҳақида эмас! Зиёдулланинг драмаси орқали умуминсоний дардларга мурожаат қилмоқчи бўлдик. Энди бу ёғини томошабин баҳолайди.

Биз бугун келажагимизни қураяпмиз, яхши кунларни кутяпмиз. Яна ҳам очиқроқ қилиб айттанда, ўзимизнинг «Хушвақт»имизни кутяпмиз. Бу кутаётган келажак гўзал бўлмоғи керак. Уни сабр-тоқат билан кутмоғимиз, ардоқлашимиз лозим.

Зиёдулла ўзига фарзанд беришни ўтмишда ўтган боболаридан сўрайди. Бобоси унинг ҳузурига Хизр қиёфасида келади. Зиёдулла у билан гаплашади, дардлашади, ундан Хушвақтни тезроқ юборишини илтижо қилади. Бугун ўз боболаримизнинг руҳларини ёдлаб, улардан мадад сўрамоғимиз лозим. Улуғ инсонлар авлодидан эканлигимизни унутмаслигимиз даркор.

Тўғри, спектаклимизда Хушвақт келмайди. Баъзиларга гўё унда умид чироқлари йўқ деган фикр уйғониши мумкин. Лекин томошабинлар спектаклни диққат билан кўрсинлар. Унда умид чироқлари бор! У ҳеч қачон ўчмагай... Зиёдулла Хушвақт учун олган бешигини елқалаб «Боважон! Хушвақт!» деганича қўкка интилиб қолади. Унинг ҳали умиди сўнмаган!

«От кишнаган оқшом» спектакли машаққатли меҳнат натижаси. Бу машаққатларга мен билан бирга бардош ва катта мадад берган дўстларимдан, жамоамиздан беҳад миннатдорман.

— Айни пайтда қандай янги асарлар устида ишлаяпсизлар?

— Ҳозир режиссёрларимиз Валижон Умаров, Омон Шарипов, Ҳамида Маҳмудова, Авлиёқули Ҳожиқулиев янги спектакллар устида ишлаяптилар. Улар орасида болалар, ўсмирлар ва катталар учун мўлжалланган асарлар бор. Лекин, тўғриси, ҳали спектакл тайёр бўлмагунча унинг номини айтмайдиган одатимиз бор. Аввал тайёр бўлсин, ўшанда гапирамиз.

— Албатта, театр ҳаёти, умуман, ижодий жараён осон кечмайди. Унинг ўзига хос муаммолари, бир киши ҳал этолмайдиган вазифалари бўлиши табиий ҳол.

— Катта бир театр арбоби «Болалар учун қўйилган спектакллар худди катталар учун қўйилган спектакллардай ва улардан бир оз яхшироқ бўлиши керак», — деганида юз карра, минг карра ҳақли бўлган.

Театрга келган томошабинни спектакл ҳайратга солмас экан, унинг томошада ўтириши қийин. Бунинг учун ажойиб саҳна безаклари, ранг-баранг кийимлар, ғаройиб воқеалар юз берадиган шарт-шароитлар бўлиши керак. Афсуски, бундай томошаларни саҳналаштириш ҳозирги пайтда қийинчилик билан кечади. Аввало, таниқли драматургларимиз театр учун пиеса ёзмай қўйишди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Айни пайтда яхши спектакллар яратиш қимматга тушади. Театримизда эса бунга маблағ етмайди. Театрга ҳомийлик қиладиган саҳий корхоналар йўқ ҳисоби.

Шу ўринда ўтган йили саҳналаштирилган спектакларимизга ҳомийлик қилган «Навруз» ҳайрия жамғармаси қошидаги «Мастон» фирмасига жамоамиз номидан миннатдорлиқ билдирмоқчиман.

Лекин бу театримиз қўл қовуштириб ўтирибди, дегани эмас. Имкон қидиряпмиз, иложи борича ёш авлодга манзур бўларли асарлар яратиш учун изланяпмиз. Уйлайманки, изланишлар бесамар кетмайди.

— Назаримда, том маънодаги ижодий қашфиётлар учун театр биноси ҳам ноқулай бўлса керак.

— Театр биноси бизнинг энг оғриқ жойимиз. Ростини айтсам, ҳадеб, бино ҳақида гапираверииш бизга ҳам ноқулай. Ҳозирги қийинчиликларга яхши тушунамиз. Лекин, барибир, биномизнинг бугунги ҳолатидан томошамизга келаётган болажонларимиздан уяламиз. Уларни апил-тапил томоша залига олиб кириб, томоша тугагач, тезроқ кузатишга ҳаракат қиламиз. Ахир, болалар нафақат спектакларимизни, балки биномизни кўриб завқланишлари керак.

Кўп йиллардан бери театрнинг ташқи кўринишигина таъмирланиб турилган холос. Унинг ичи қаровсиз қолаверган. Биномизни ҳар томонлама капитал қайта қуриш керак.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Нодир ҲАСАНОВ
суҳбатлашди

ҲАЁТ ҲАР БИР КИШИГА УЛКАН ВА БЕБАҲО ТУҲФА ИНЪОМ ЭТАДИ

Ҳаёт ҳар бир кишига улкан ва бебаҳо туҳфа инъом этади. Бу — куч ва қувватта, орзу-умидга тўлиқ ёшлик давридир. Ёшлар эртанги қўннинг асосий куч-қудратидир. Ҳозирги ёшларимиз орасида фидойилари жуда кўп. Лекин, гуруч қурмаксиз бўлмагани каби, айрим лоқайд йигит-қизлар ҳам учраб туради. Муаллимлигим боис кўплаб талабалар билан мулоқот қилишимга тўғри келади. Гоҳо дарс пайтларида, гоҳо эса бўш вақтларимда уларнинг қизиқиш ва билим савиялари билан синашта бўламан. Бир куни биринчи курс талабасидан «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида нималар биласиз? Унинг қайси асарларини ўқигансиз?» — деб сўрадим. У: «Ҳамза хотинбоз, миллий қадриятларимизнинг душмани, динимизни оёқ ости қилган киши. Унинг бирорта ҳам асарини ўқиганман, ўқимоқчи ҳам эмасман», — деди. Ана сизга олий даргоҳда таълим олаётган талабанинг дунёқараши. Ахир Ҳамза ҳақида ҳеч нарса билмасдан, ҳатто бирорта асарини ўқимасдан туриб у ҳақда шундай жўхилона хулоса чиқариш қайси мантиққа тўғри келади?

Бир машғулотимда: «Соҳиб Жамол деган ёзувчини ким эшитган?» деган саволни ўртага ташладим. Йигирма чоғли талабанинг биронтасидан садо чиқмади. Шундан сўнг XX аср ёзувчиларидан қай бирини ўқиганликларини суриштирдим. Афсус, талабалар баъзи номларни санадилару асарларга келганда «Юлдузли тунлар», «Келинлар қўзғолони», «Қутлуғ қон»дан нарига ўтишолмади.

Бу ёшларимизнинг бадиий адабиётга қизиқишлари суст эканлигидан далолат. Айрим йигит-қизлар олти ойда ҳам битта бадиий асар ўқишмайди. «Нега?», — десангиз, «Вақтимиз йўқ!» — дея жавоб беришади. Ахир ойлар мобайнида атиги битта роман ёки қисса ўқишга вақт топмаган талаба қандай талаба бўлсин? Олтингга тенг ёшлик даврини шамолга совурган талабалар қандай қилиб келгуси ёш авлодни тарбияласи? Ҳозирги талабалар қўлида ҳатто имтиҳонлар даврида ҳам китоб ёки дафтар кўрмайсиз. Баъзилари машғулотларга мутлақо қатнашмайдилар. Лекин «Менга фақат «аъло» баҳо қуясиз», — деб оёқ тириб туриб олишади.

Бир куни иккинчи курс талабаси имтиҳон топшириш учун ҳаммадан кейин кириб келди. Салом бериш йўқ, тўғри келиб, синов дафтарчасини столим устига улоқтирдида: «Аъло» қўйиб бер!» — деб ўшқирди.

— Нега? Ахир дарсга бирор соат ҳам келмагансиз? — дедим ажабланиб.

— Касал эдим!

— Дарсга қатнашмаганга баҳо қўйиб беролмайман. Тест топшириқларини ҳам бажармагансиз?

— Барибир қўйиб берасан?! — У шундай дея синов дафтарчасини олиб чиқиб кетди.

Юқоридан келиб гапиришининг сабаби бор экан. Кўп ўтмай иллтимос қилишлар бошланди: «Укахонимизга битта «аъло»ни аямайсизда энди»...

Тортишиб ўтириш бефойдалигини сезиб синов дафтарчасига «уч» баҳо қўйдим. Талаба, шубҳасиз, бундан норози бўлди.

— Эрта-индин «уч»инг барибир «беш»га айланади. Узинг гувоҳ буласан, — дея шаҳдам одимлар билан чиқиб кетди.

Мени қийнаган нарса талабанинг ўқитувчига бўлган муносабати эди. Бундай талабадан келгусида нимани кутиш мумкин? Отаси тенги келадиган ўқитувчини «санлаб» гапиришининг сабаби нимада? Муаллим энди ўз талабаси олдида ким бўлди?

Яна бир мисол. Кечки бўлимда бирор марта ҳам дарсга келмаган бир талаба имтиҳон чоғи стол устига бир шиша ароқни қўйиб, «Домла, мана,сизга совға, энди «беш»ши қўйинг.», — деди синов дафтарчасини узатиб.

— Мутлақо дарсга келмагансиз, сизни биринчи бор кўриб турибман, — дедим.

— Фирмада ишлайман, иш кўп, узингиз тушунасиз, тирикчилик, бу ёғи эса бозор иқтисоди. Хизматлар бўлса, айтинг, биз тайёр?

— Аввало, мана буни олиб қўйинг, — дедим ароққа ишора қилиб, иккинчидан, имтиҳонга яхшилаб тайёргарлик кўриб келинг.

— Бошши қотириб нима қиласиз, — бирдан талабанинг важоҳати узгарди, баҳони қўйинг, бўлмаса, узингиздан кўринг... Бундай ноҳуш ҳолат, қўрслик, дағаллик, узидан каттага ҳурматсизлик мени кўп ўйлантиради. Бу ёшлар қайси томонга қараб усишаяпти? Келажакни уларга ишониб бўладими? Дунёқараши тор, ҳеч насага қизиқмайдиган, лоқайд талабалардан нималарни кутиш мумкин? Борингки, ўша талаба қизил диплом ҳам олар, ишга ҳам жойлашар, лекин оддий муомалани билмаса, қандай ишлаб кета олади? Жамиятта, халққа,юртга қандай манфаат келтиради?

Албатта, мен барча ёшларни бирваракайига қоралаш ниятидан йироқман. Камчиликларга йўл қўяётган айрим ёшлар юқорида тилга олинган воқеалардан тегишли хулосалар чиқариб олишар, деган умидда қоғоз қоралаяпман. Улар ҳар лаҳзада ўйлаб қадам боссалар, ақл-идрок билан узоқни кўзлаб иш тутсалар, фойдадан ҳоли бўлмасди. Беҳуда ўтган вақтдан афсусланишдан, сўнгги пушаймондан фойда йўқ. Чунки ёшлик доноликни урганадиган палла, Ундан қимматли нарсани топиш қийин.

Ҳозирги ёшларга барча жабҳаларда кенг имкониятлар яратилаяпти. Улар эртаиндин улгайиб, қанот қоқмоқлари, улуғ юртимизнинг довруғини оламга таратмоқлари тайин гап. Фақат бунинг учун илм сирларини қунт билан пухта эгаллашлари лозим.

Бир донишманддан сураган эканлар:

— Илм недур?

— Илм ҳақиқатдур! — дея жавоб берибди у.

— Ҳақиқат недур! — яна сўрашибди.

— Ҳақиқат, бу илмдур — дебди донишманд.

Бинобарин, ҳар бир мақсадга фақат илм орқали эришилади. Ҳозирги ёшлар ҳам илмга фидойи бўлсалар, илм сирларини пухта эгалласалар, ҳеч қачон ютқазмайдилар. Шу ўринда беихтиёр Фаридуддин Атторнинг қуйидаги сатрлари ёдга тушади:

Ёшмисан, кексани сен ҳурмат айла,
Узинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети
Ўзбек тили кафедрасининг катта ўқитувчиси

ЎЗИНГ ҲАМ ҚАРИЙСАН, ҲОЗИРДАН ЎЙЛА

НАФС ҲАКАЛАК ОТГАНДА...

Машина суқмоқ йўлдан юриб борарди. Юки оғир, бунинг устига йўлнинг носозлиги туфайли зўрга олга интиларди. Ҳайдовчи ҳар замон, ҳар замонда тўхтаб атрофга разм солар, ҳеч ким йўқлигига, орқаларидан бирор кимса кузатмаётганига ишонгач йўлида давом этарди. Афсуски бу гал шоферининг сергаклиги ҳам иш бермади. Катта асфалт йўл туриб, айланма дала йўлидан Қирғизистон чегараси томон юриб бораётган бу машина боххона ходимларида шубҳа уйготди. Улар «ГАЗ-3307» русумли, давлат белгиси 46-14 ФЕН машинасини тўхтатиб текшириб кўришганда, унда 3550 кг пахта ёғи олиб кетилаётгани аниқланди. Ҳеч қандай ҳужжатсиз шунча юкни четга олиб чиқишга уринган А. А. ва Ҳ. Ю. га нисбатан Фарғона шаҳар прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилди.

Фарғоналик икки йигит мой дардига йўлиққан бўлсалар, Каттақўрғон шаҳар ҳужалик ҳисобидаги савдо-тайёрлов омбори директори Ҳикматулло Очилов гўшт касалига мубтало экан. Бўлмаса бир неча минг километр келадиган Свердловск шаҳрига салкам 16 тонна гўшт олиб боришга қарор қиладими?

17 феврал куни Навоий вилояти боххона хизмати ходимлари «КАМАЗ 23-5320» русумли, давлат белгиси О 31-72 СН ва 34-04 СНН машиналарини тўхтатиб текшириб кўришганда, улардан шунча миқдорда мол гўшти топилди. Афтидан, Россия Федерациясида гўшт истеъмол қилиш авваги йилларга нисбатан анча камайиб кетгани ҳақида матбуотда хабарлар пайдо бўлгандан сўнг Ҳ. Очиловнинг нафси ҳакалак отиб кетганга ўхшайди.

Ҳозирги кунда юк мусодара қилиниб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ўша куни навоийлик боххоначилар Зарафшон шаҳар ички ишлар бўлими давлат автомобил назорати ходимлари билан биргаликда четга олиб кетилаётган 2877 дона қора мол терисини ҳам ушлаб қолишди. Гўшт Россияга олиб кетилаётган бўлса, тери Қозоғистонга жўнатилаётган эди. Юк эгаси Туркманистон фуқароси Иброҳим Йўлдошевнинг гапига қараганда, у шунча терини Гулистон шаҳридан, нотаниш кишидан сотиб олган эмиш. Унинг гапини тинглаб, қандингни ур, Иброҳимбой дегинг келади. Гулистонликлар ҳам шунчалик анойи экан-да, кўчада учратиб келган кишига юр бу ёққа деб салкам уч минг дона мол терисини бериб юборавериш-са...

Нафс ҳакалак отаверса устомонлар пул топишнинг, бойлик орттиришнинг турли йўлларини қидириб топишаверар экан.

Шу йилнинг 18 феврал куни Фарғона вилояти боххоначилари Узбекистон Республикаси миллий хавсизлик хизмати вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда «Ровот» боххона постида «Узбектуризм»нинг Фарғона бўлими томонидан уюштирилган 000143 белгили рухсатномага асосан «Қўқон — Ашгабод — Эрон» йўналиши буйича ҳаракат қилаётган «Икарус — 255» русумли, давлат белгиси П 44-24 ФЕ автобусини тўхтатдилар. Унда кетаётган сайёҳлик гуруҳининг аъзолари текширилганда, Х. Тешабоевадан 420 дона ҳар хил орден ва медаллар, 1020 АҚШ доллари, М. Тошпўлатовадан 304 дона ҳар хил медаллар, 500 грамм кумуш тақинчоқлар, М. Муталиевадан 350 дона ҳар хил орден ва медаллар, В. Тоҳировдан 600, С. Пайғамовадан 1495, А. Маматқуловдан 400 АҚШ доллари топилди. Шуниси қизиқки, тақинчоқлар, орден ва медаллар, пуллар боххона баённомасида кўрсатилмаган, оғзаки савол-жавобда тилга олинмаган. Шунинг учун бу моллар мусодара қилиниб, эгалари боххона қонун-қоидаларини бузгани учун маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, айрим нафс бандалари республикамиздан асосан энг ноёб ва ўзимизда ҳам тақчил бўлган молларни олиб кетишга уринмоқдалар. Шуниси ачинарлики, уларнинг хомийлари, яъни мол билан таъминлаб турадиганлар ҳам ўз орамизда. Бўлмаса икки ташкилотда қоровул бўлиб ишловчи фарғоналик икки йигит уч ярим тонна пахта ёғини қаердан олишди? Ёки Туркманистон фуқароси Иброҳим Йўлдошевнинг 2877 дона мол терисини Гулистон бозоридан нотаниш кимсадан сотиб олдим деган гапига ишониш мумкинми? Ахир бу эртакка ўхшайди-ку. Ҳозир ким шунча терини бозорга олиб чиқиб сотади? Бу ишлар жиддий текширилса мойфурушларнинг ҳам, терифурушнинг ҳам ҳамтавоқлари топилиши аниқ.

Яқин-яқингача биз гўштни четдан келтирардик. Гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш буйича собиқ СССРда энг охирги ўринлардан бирида турардик. Мустақиллик шарофати, Республикамиз раҳбариятининг сай-ҳаракати туфайли жумҳуриятимизда гўшт етиштириш кескин ошди. Одамларнинг моллари кўпайди. Бундан фойдаланган айрим кимсалар эса халқнинг ризқ-рўзини сотиб бойлик орттиришни ўйлай бошлади.

ИНСОН, АХЛОҚ ВА ҚОНУН

Россияга илгари пиёз, қовун, тарвуз, турли хил мевалар олиб бориларди. Чунки бу маҳсулотлар республикамизда мўлкул етиштириларди. Энди эса гўшт билан савдо қиладиганлар пайдо бўлибди. Нима, узбеклар гўштни ёмон кўрадими? Наҳотки, Свердловскни гўшт билан таъминламоқчи бўлганлар Тошкент ва Самарқанд бозорларида ҳам бу маҳсулотга талаб катталигини билишмаса?

Узоқ йиллар бизнинг асори-атиқаларимизни талаб келишди. Ҳалқимизнинг энг ноёб буюмлари, қадимий китобларимиз жаҳоннинг кўплаб музейларига кўрк бериб турибди. Бугун бу буюмларни қайтариб олиш ҳақида гап кетаётган пайтда, айрим кимсалар тижорат баҳонасида қадимги тилло ва кумуш буюмларни, гиламларни, бир сўз билан айтадиган бўлсак меросий бойлигимизни чет элларга олиб бориб сотиб келмоқда. Бу жуда ачинарли ҳол. Биргина Эронга кетаётган тижоратчилардан юзлаб орден ва медаллар, кумуш буюмлар топилганини қандай баҳолаш керак? Наҳотки, бу кимсалар республикамиздан чиқиб кетаётган ҳар бир тарихий қимматга эга буюм бутун ўзбек халқининг мулки эканлигини тушунишмаса?

Республика боххона хизмати ходимлари ҳар куни кўплаб ноқонуний йўл билан четга кетаётган товар бойликларини ушлаб қолишмоқда. Афсусланарли томони шундаки, тижоратчи ниқобига беркинган бу жиноятчиларни қилмишига яраша жазолашнинг имкони йўқ. Чунки олиб чиқиб кетилаётган молнинг кимдан олинганлиги аниқ бўлмаса, у жиноят ҳисобланмайди. Фақаттина мол мусодара қилинади холос. Буни яхши билиб олган «тижоратчи»лар эса товарларни бозордан олдим, нотаниш кишидан олдим дейишдан нарига ўтмайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, республикамизга товар келтиришнинг ва жумҳуриятимиздан товар чиқаришнинг янги, такомиллашган қонуний асослари яратилиши лозим. Бу иш қанча тез амалга оширилса, шунча яхши бўлади.

Абдумўмин ТИЛОВОВ,
Боххона хизмати ходими,
Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
«ЎзАС» мухбири

БИЛДИРИШ

Шу йил 13 апрел, пайшанба куни соат 14 да Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносида (Ж. Неру, 1.) «1994 йил насри. Муаммолар ва ечимлар» мавзуида баҳс-мунозара ўтказилади. Баҳсни ёзувчи Шойим Бўтаев ва олим Абдулла Улуғов бошлаб берадилар.

Ижодкорларни ҳамда барча қизиққан бирodарларни таклиф қиламиз.

НАСР КЕНГАШИ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
ЎЗБЕКИСТОН ADABIYOTI VA SAN'ATI
ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-56
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ
Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (назм ва наср бўлими мудири), Дадахон ЁҚУБОВ, Одил ЁҚУБОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири), Шароф УСНАТДИНОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Беккул ЭГАМҚУЛОВ (масъул котиб)

Навбатчи муҳаррир —Ашурали ЖУРАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0151. 19828 нусхада босилди, ҳажми — 4 босма табоқ. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6